ДАЛА ЧОРЛАЙДИ!

БУТУН ДУНЕ ПРОЛЕТАРЛАРИ, БИРЛАШИНГИЗ!

ТОШКЕНТ ҲАҚИҚАТИ

ЎЗБЕКИСТОН КП ТОШКЕНТ ОБЛАСТЬ ВА ШАҲАР КОМИТЕТЛАРИ, МЕҲНАТКАШЛАР ДЕПУТАТЛАРИ ОБЛАСТЬ ВА ШАҲАР СОВЕТЛАРИНИНГ ОРГАНИ

№ 66 (1844) | 2 апрель, якшанба, 1961 йил | Баҳоси 2 тийин



Ўрта Чирчиқ районидаги Калинин номли колхоз пахтакорлари чигит экиш кампаниясига яхши тайёргарлик кўрдилар. Улар барча чигит экиладиган майдонларни мавсумга тахт қилиб қўйдилар. Суратда: ўрток А. Ҳамроев бошлиқ бригада даласида квадрат-уялаб экадиган агрегат синаб кўрилмоқда.

М. Нуриддинов фотоси.

Спорт—жасорат ва маҳорат мактаби

Бизда спорт миллионлаб совет кишиларининг кундалик ҳаётига чуқур сингиб кетди. У соғлом ва бақувват ўсиш, унумли меҳнат қилишнинг гаровидир, совет кишиларини коммунистик руҳда тарбиялашнинг муҳим таркибий қисмидир Шу сабабли Коммунистик партия ва Совет ҳукумати мамлакатимизда физкультура ва спортнинг ҳар тарафлама кенг ривожланиши ва оммавий ҳаракатга айланишига доимо катта эътибор бериб келмоқдалар.

Бу ғамхўрликка жавобан областимизнинг неча ўн минглаб спортчилари етти йиллик топшириқларини муддатидан илгари бажариш ва КПСС XXII съездини муносиб кутиб олишга астойдил интилиб, саноат корхоналари, колхоз, совхоз ва давлат муассасаларида ғайрат билан ишламоқдалар ҳамда спорт маҳоратларини оширмоқдалар. Ўқув юртларида билим асосларини чуқур эгаллаб, ўзларида меҳнат кўникмалари ҳосил қилмоқдалар.

Областимизда ёзги спорт мусобақалари оммавий равишда қизғин бошланиб кетди. Тошкентда кўпгина спорт турлари бўйича мусобақалар бўлиб ўтмоқда. Спорт майдончалари, стадионлар, саройлар ва спорт заллари минглаб моҳир физкультурачиларни меҳмондўстлик билан қарши олмоқда.

Партиямиз ҳар бир совет киши учун зарур ва фойдали бўлган спортни янада ривожлантириш, физкультурачилар сафига ёшларнинг янги-янги отрядларини жалб қилиш, юксак маҳорат ва оммавийлик учун кураш вазифасини қўймоқда. Ана шу муҳим вазифани бажариш учун курашиб, областимиз физкультурачилари ва спорт ташкилотлари жиддий ютуқларни қўлга киритмоқдалар. Ҳозир областимизда 1033 та физкультура коллективи бор. Бу коллективларга уюшган 104 мингдан ортиқ спортчи физкультура билан мунтазам равишда шуғулланиб, коммунизмнинг актив ва соғлом қурувчилари бўлиб етишмоқдалар. Улардан 32.5 мингдан ортиқ киши спортчи хотин-қизлардир. Тошкент шаҳридаги физкультура коллективларига бирлашган 126 минг йигит-қиз спортнинг 32 тури билан шуғулланмоқда. Пойтахтда 1960 йилнинг ўзида 75 спорт мастери тайёрланди.

Футболни ривожлантиришга катта эътибор берилмоқда. Тошкент «Пахтакор» командасининг «А» классига, «Старт» командасининг эса «Б» классига ўтказилиши областимиз спорт ҳаётида муҳим воқеа бўлди. Бу катта ишончи оқлаш республика футбол федерацияси ва спорт ташкилотлари зиммасига масъулиятли вазифаларни юклайди.

Қўлга киритилган ончалик ютуқлар билан бирга спорт ишлари соҳасида жиддий камчиликлар ҳам бор. Областимизнинг ҳамма ғайон ва шаҳарларида спортнинг оммавийлиги учун бир хилда кураш олиб борилаётир, деб айта олмаймиз. Область аҳолисининг умумий сонига нисбатан спортчиларимизнинг атиги 13 процентни ташкил этиши катта камчиликдир. Айрим районларда физкультурачилар ҳаракатининг яхши йўлга қўйилмагани натижасида областда маҳаллий миллат ёшларини, айниқса хотин-қизларни спортга жалб этиш вазифаси ёмон бажарилмоқда. Бекобод, Гулистон, Бўстонлиқ ва Чиноз районларида бу соҳадаги аҳвол ниҳоятда ачинарли. Бу районларнинг партия комитетлари ва ижроия комитетлари ҳамда комсомол ташкилотлари спорт жамиятлари ва ташкилотлари союзи район Совети фаолиятига яқиндан амалий ёрдам кўрсатмаётирлар, уларга зарур иш шароити яратиб берилмаётир. Шу сабабли бу районларда физкультура ҳаракатга айланмаган, спорт кўрсаткичлари бўйича белгиланган план йил сайин бажарилмай келади, юксак маҳоратли спортчилар деярлик йўқ даражада.

Спорт жамиятлари ва ташкилотлари союзи Тошкент область Советининг (раиси ўртоқ Ў. Бектемиров) фаолиятида ҳам кўпгина жиддий камчиликлар бор. Бу ташкилот ўз фаолиятини КПСС Марказий Комитети ва СССР Министрлар Советининг «Мамлакатда физкультура ва спортга раҳбарлик қилиш тўғрисида»ги қарори асосида ҳали ҳам тўла қайта қуриб олгани йўқ. Ташкилот спорт ишини намунали йўлга қўйган физкультура коллективлари тажрибасини оммалаштириш га етарли эътибор бермайди, кўпинча илғор коллективлар ва бир гуруҳ рекордчилар билан овора бўлиб, асосий вазифа — спортда оммавийлик учун кураш, областнинг ҳамма ғайонларида умумий юксалишга эришиш масаласи билан жиддий равишда шуғулланмайди. Область спорт ташкилотининг раҳбарлари ва инструкторлари қуйи физкультура коллективларига ва ғайон ташкилотларига тез-тез бориб турмайдилар, уларга амалий ёрдам бериш, камчиликларни ишчанлик билан бартараф қилиш ўрнига кўп вақтларини кабинетда ўтириб, сводка тўплаш ва қоғозбозлик билан ўтказадилар. Партиямиз томонидан кескин қораланган бундай ярамас раҳбарлик иш услубига узил-кесил барҳам бериш керак.

Айрим олий ўқув юртлари, техникум ва мактабларда физкультурани ўқитишда ҳануз жиддий нуқсонларга йўл қўйилмоқда. Областдаги мактабларнинг 170 тасида физкультура дарсини спортдан махсус маълумоти бўлмаган ўқитувчилар олиб бораётганини асло нормал бир ҳол деб бўлмайди. Область халқ маорифи бўлими бу жиддий камчиликни бартараф қилиш учун зарур тадбирларни кўрмоғи лозим.

Физкультурани ҳақиқий оммавий ҳаракатга айлантир и ш д а кўнгилли спорт жамиятлари олдига катта талаблар қўйилмоқда. Бироқ «Пахтакор» ва «Старт» спорт жамиятларининг область Советлари ўз зиммаларидаги бу вазифани кўнгилдагидек адо этмаётирлар.

Ёзги спорт мавсумида областда жуда кўп спорт мусобақалари ва ўртоқлик учрашувлари бўлади. Уларни пухта тайёргарлик билан ташкилий равишда ўтказиш СССР халқларининг 3-спартакиад а с и г а ҳозирлик кўришда муҳим босқич бўлади.

Вазифа — физкультура ҳаракатини оммавий равишда ривожлантириш асосида спорт турлари бўйича маҳоратни тинмай ошириш, ўқув-тренировка машғулотларини мунтазам равишда ўтказиб, хусусан маҳаллий миллат ёшларидан малакали спортчилар тарбиялаб етиштириши яхшилашдан иборат. Партия, совет, комсомол, касаба союз ва спорт ташкилотлари бу муҳим вазифани бажариш учун лозим бўлган ҳамма тадбирларни кўришлари зарур.

Жисмоний чиниққан, бақувват ва юксак маҳоратли физкультурачилар сафини тинмай кенгайтирайлик!

Н. С. ХРУШЧЕВ АҚШ элчиси Л. Томпсонни қабул қилди

СССР Министрлар Советининг Раиси Н. С. Хрушчев 1 апрелда АҚШнинг СССРдаги элчиси Л. Томпсонни қабул қилди ва у билан Лаос масаласи юзасидан суҳбатлашди.

Суҳбатда СССР ташқи ишлар министрининг биринчи ўринбосари В. В. Кузнецов ва СССР Ташқи ишлар министрлиги коллегиясининг аъзоси А. Ф. Добринин ҳозир бўлдилар.

Самимий табриклар

КПСС Марказий Комитети ва СССР Министрлар Совети Камчатка областидаги балиқ овлаш флоти денгизчиларини, балиқ саноати корхоналарининг ишчилари, инженерлари, техниклари ва хизматчиларини ҳамда колхозчи балиқчиларни балиқ овлаш ва балиқ маҳсулотлари ишлаб чиқариш бўйича 1961 йил биринчи квартал планини муддатидан илгари бажарганликлари билан самимий табриклайдилар.

КПСС Марказий Комитети ва СССР Министрлар Советининг табрикномасида айтиладики, Камчатка меҳнаткашлари етти йиллигининг учинчи йилини яхши бошладилар ва КПСС XXII съезди шарафига қабул қилинган социалистик мажбуриятларни муваффақиятли бажариш учун курашда юксак кўрсаткичларга эришдилар.

* * *

Совет Латвиясининг балиқчилари балиқ овлаш ва балиқ товарлари ишлаб чиқариш бўйича биринчи квартал планини муддатидан илгари бажардилар. Уларни КПСС Марказий Комитети ва СССР Министрлар Совети ана шу муваффақият билан қизғин табриклайдилар.

КПСС Марказий Комитети ва Совет ҳукуматининг табрикномасида айтиладики, Латвия балиқ овлаш кемаларининг экипажлари ва балиқни қайта ишлаш корхоналарининг коллективлари яхши ишлаб чиқариш кўрсаткичларига эришдилар ҳамда балиқ овлашни кўпайтириш ва аҳоли учун балиқ товарлари ишлаб чиқаришни кўпайтириш вазифасини муваффақиятли бажармоқдалар.

(ТАСС).

Парламентлараро иттифоқ мажлисига

МОСКВА, 1 апрель. (ТАСС). СССР парламент группасининг делегати парламентлараро иттифоқнинг бахорги мажлисига қатнашиш учун бугун Москвадан Женевага жўнаб кетди. Делегация составида СССР Олий Совети Президиуми Раисининг ўринбосари Ю. И. Палецкис (делегация бошлиғи), СССР Олий Советининг депутатлари К. А. Губин, А. Ф. Горкин, И. Т. Борисов, К. Кондучаловалар бор.

АФРИКАДАН КЕЛГАН ХОТИН-ҚИЗЛАР ТОШКЕНТДАН ЖЎНАБ КЕТДИ

Совет хотин-қизлари комитетининг таклифига мувофиқ СССР да меҳмон бўлиб турган Гана хотин-қиз жамоат арбоблари делегацияси Ўзбекистонда тўрт кун бўлганидан кейин 1 апрелда Тошкентдан Москвага жўнаб кетди.

Делегация аъзолари жўнаб кетиш олдидан Ўзбекистон ССР Олий Совети Президиумининг Раиси Ё. С. Насриддинова билан суҳбатлашдилар. Самимий ва дўстона вазиятда ўтган суҳбат вақтида Ё. С. Насриддинова меҳмонларни республика экономикаси ва маданиятининг тараққиёти билан таништирди, Ўзбекистон хотин-қизларининг яратувчилик меҳнати тўғрисида гапириб берди.

Гана хотин-қизларининг вакиллари Ўзбекистон ССР Фанлар академиясининг академиги Х. С. Сулаймонова, чет эллар билан дўстлик ва маданий алоқа Ўзбекистон жамияти правлениесининг раиси Ж. М. Тожиева билан ҳам учрашдилар.

(ЎзТАГ).

Н. С. ХРУШЧЕВ генерал НЕ ВИНни қабул қилди

СССР Министрлар Советининг Раиси Н. С. Хрушчев 31 мартда Кремлда Бирма иттифоқи қуролли кучларининг бош қўмондони генерал Не Винни қабул қилди.

Н. С. Хрушчев ва генерал Не Вин ўртасида самимий ва дўстона суҳбат бўлди.

Суҳбатда Совет томонидан СССР Мудофаа министри, Совет Иттифоқи Маршали Р. Я. Малиновский, СССР Ташқи ишлар министрининг биринчи ўринбосари В. В. Кузнецов, СССР Ташқи ишлар министрлиги Шарқи—Жанубий Осиё бўлимининг мудири В. И. Лихачев ҳозир бўлдилар.

Генерал Не Винга Бирма иттифоқининг СССРдаги муваққат ишлар вакили У Сейн Маунг ва бошқа расмий кишилар ҳамроҳ бўлдилар.

(ТАСС).

ҚОЛОҚ КОЛХОЗЛАРГА ОТАЛИК ЁРДАМИНИ КУЧАЙТИРАМИЗ

ҚЎШНИМИЗ УЧУН БИЗ ҲАМ ЖАВОБГАР

Одесса область Березовский районидаги «КПСС XXI съезди» ва Сталин номли колхозларнинг раислари М. Посмитний, П. Ведута ўртоқлар илғор колхозларнинг раисларига «Известия» газетаси орқали хат ёздилар. Бу хатда илғор колхозларнинг қолоқ колхозларга ёрдам беришлари керакligи тавсия этилади.

КПСС Марказий Комитети январь Пленумининг қишлоқ хўжалигини бақиёс кенг ривожлантиришга қаратилган қарорларини амалга ошириш учун кураш олиб борилаётган ҳозирги пайтда бу хат айниқса жуда катта аҳамиятга эга. Бу хатда илғор колхозларнинг раҳбарлари қўшни колхозларнинг заиф бўлиб қолишига маънавий жиҳатдан жавобгар эканликлари ҳақли равишда таъкидланади. Бу хат номлари ёзилган колхоз раисларига. Ўша хўжаликларнинг мутахассисларигагина эмас, шу билан бирга у бизга ўхшаган колхоз раҳбарларига ҳам бевосита тааллуқлидир.

Ҳали бизда қолоқ колхозлар анча-мунча топилади. Чунончи қўшнимиз бўлган Хрушчев номли колхоз билан бизнинг хўжалик ўртасида, ҳосилдорлик жиҳатидан тафовут 2—3 центнерни ташкил этарди. Лекин кейинги вақтларда эса бу 5.7 центнерга етди. Масалан, биз ҳар гектар ердан 34,7 центнердан ҳосил олаётган бўлсак, қўшнимиз мусобақадош Хрушчев номли колхозда 29 центнердан ҳосил олинаётир. Ваҳоланки ер шароитимиз, сув ичидиган ариқларимиз бир хил. Маҳмудариқ, Қирариқ, Бужғун, Қалмоғариқ, Қорасувдан оқадиган сув олдин Хрушчев номли колхоздан оқиб ўтади. Улардан ортса бизнинг колхозга келади. Демак, ҳосилдорликнинг паст бўлиши ер, сув, об-ҳавода эмас, балки ишнинг тўғри ташкил этилмаслигидадир.

Ҳозир бизнинг колхоз қўшнимиз Хрушчев номли колхоз билан мусобақадош. Мусобақадош ш л а р фақат ўзи учунгина эмас, мусобақадоши учун ҳам баравар қайғириши, унинг ишига кўмаклашиши, фақат тушунтириш билангина эмас, керак вақтида амалий иш билан ёрдам бериши ҳам керак.

Яқинда биз мусобақадош Хрушчев номли колхозда кўклам экиш кампаниясига қандай тайёргарлик олиб борилаётгани тўғрисида ўзаро текшириш ўтказдик. Далаларни, фермаларни, хўжаликнинг бошқа тармоқларини кўрдик. Текшириш вақтида колхозда чигит экишга тайёргарлик ишлари ҳали қониқарли эмаслиги, айниқса техника воситалари етишмаслиги аниқланди. Ваҳоланки, бизнинг колхозда техника етарли. Фақат С—100 ва С—80 маркали кучли ҳайдов тракторларидан 7 та бор. Колхоз правлениеси ва колхоз партия ташкилоти М. Посмитний ва П. Ведута ўртоқларнинг хатини ўқиб муҳокама қилгач, мусобақадош Хрушчев номли колхозда тўла гектарлар учун курашда, ерларни чигит экишга сифатли қилиб тайёрлашда, чигит экишни қисқа муддатда ўтказишда амалий ёрдам беришга қарор қилди. Бунинг учун ер текислайдиган машина ва 2—3 трактор ажратилди. Хатни ўқиб биз чиқарган дастлабки хулоса шундан иборат.

Ҳозир биз бу қўшни колхозда аҳволни яна ҳам яқиндан ўрганиб боришга, керак пайтда юқоридагича ёрдам беришга ҳаракат қилмоқдамиз. Биз бутун йил давомида қўшнимизга ёрдамимизни аямаймиз.

А. МАТҚОБУЛОВ,
Оржоникидзе районидаги «Қизил Ўзбекистон» колхозининг раиси, Социалистик Меҳнат Қаҳрамони.

Мўл ҳосил етиштириш йўлида

Сирдарё районидаги Ҳамза номли янги ташкил этилган колхоз пахтакорлари бу йил мўл «оқ олтин» ҳосили етиштириш учун курашмоқдалар. Ҳозиргача кузда шудгор қилинган 550 гектар майдоннинг 300 гектарига яхоб суви берилди. Далаларда ерни чигит экишга тайёрлаш ишлари қизғин тус олган. Мавжуд ариқзовурларнинг ҳаммаси тозалаб бўлинди. Далага гўнг ташиш ва ерни бороналашда шофёрлардан С. Отабоев, И. Ҳамроқулов, аравакашлардан С. Хайитқулов, А. Даминов, М. Боймуродов ҳамда тракторчилардан Т. Сайдоев, С. Холдоров, К. Норбеков ўртоқлар берилган топшириқни 1,5—2 ҳисса ошириб бажармоқдалар.

Райондаги «Ўзбекистон» колхозининг Неъмат Ҳакимов бошчилик қилаётган бригадаси аъзолари чигит экиш кампаниясини зўр ташаббуслик билан кутиб олишяпти. Бригадада ҳозиргача 100 гектар ер текисланиб, сифатли борона қилинди.

Бригада пахтакорлари КПСС XXII съездини муносиб совғалар билан кутиб олиш учун ҳар гектар ердан 40 центнердан ҳосил кўтариб, давлатга 400 тонна «оқ олтин» сотишга бел боғладилар.

Х. АНДАҚУЛОВ,
К. УСМОНОВ.

СЕЯЛКАНИНГ ИШЧИ ОРГАНЛАРИНИ СОЗЛАШ

Экишнинг сифати кўп жиҳатдан сеялканинг ишчи органлари қандай созланганлигига боғлиқдир. Шунингдек, қатор ораларига ишлов бериш ҳам сошниклар, загартаклар, маркерлар, окучниклар-нинг ўрнатилишига боғлиқ. Агрегатнинг барча ишчи органлари тўғри ўрнатилгандан кейингина уни тўла тайёр деб ҳисоблаш мумкин. Бунинг учун нималарга эътибор бериш керак?

1. Трактор ва сеялканинг марказий ўқи аниқланади, сеялка тракторга шундай тиркалиши керакки, натижада уларнинг марказий ўқлари бир-бирига мувофиқлашсин;

2. Сеялканинг икки марказий сошнигини шундай ўрнатиш керакки, натижада сошник маркази сеялканинг марказий линиясидан қатор оралари 60 сантиметр қилиб экилган вақтида 30 сантиметр, ва қатор оралари 50 сантиметр қилиб экилганда эса 25 сантиметр нарида бўлсин;

3. Ундан кейинги сошникларни қатор ораларининг кенглигига мослаб, ёнидаги сошникларнинг марказидан ҳисоблаб ўрнатиш керак.

4. Қатор оралари 60 сантиметр қилиб экилганда маркернинг узунлиги 150 сантиметр, қатор оралари 50 сантиметр қилиб экилганида эса 175 сантиметр қилиб ўрнатилсин. бунда кейинги сошникнинг марказидан маркернинг ишчи органигача бўлган масофа ҳисобга олинади.

5. Загартакларни уруғликни белгиланган чуқурликка ташлайдиган қилиб ўрнатилсин, прикатлар ўрнатилганида эса уларнинг уруғлик устидаги тупроқни етарли миқдорда шиббалаб кетиши ҳисобга олинсин;

6. Эгат оладиган окучниклар қатор ораларининг ўртасига қатор оралатиб эгат олишини ҳисобга олган ҳолда ўрнатилсин.

7. Ишчи органларини олдиндан тайёрлаб қўйилган доска ёрдамида қатор ораларининг кенглигига қараб 3,5—5.5 метр узунликда ўрнатиш мақсадга мувофиқдир.



Меҳнат оз, ҳосил соз бўлсин

Яқинда Оққўрғон район қишлоқ хўжалик новаторлари ва мутахассислари кенгашининг йиғилиши бўлиб ўтди.

Йиғилишда иштирок этган ўртоқлар кўкламги чигит экиш кампаниясини муваффақиятли ўтказиш, ерни, чигитни, техникани мавсумга ўз вақтида тайёрлаш юзасидан фикр алмашдилар.

— Ўтган йили, — дейди район ижроия комитетининг раиси ўртоқ Д. Айтқулов, — пахта тайёрлаш планимизнинг бажарилмай қолганига об-ҳаво сабабчи бўлгани йўқ. Ахир, районимиздаги К. Холменов ва Т. Ғазотов ўртоқлар бошлиқ бригадалар ҳар гектар ердан 30-40 центнердан «оқ олтин» олдилар-ку. Муваффақиятсизликка учраганимизнинг асосий сабаби шундаки, чигит экилаётганида майдонлардан тўла фойдаланилмади, уруғ аниқ квадратларга экилмади. Натижада айрим колхозларимизда ҳар бир гектар ерда сақлаб қолинган кўчат 60—65 минг тупдан ошмади. Ғўзалар 3-4 ўринга 1,5—2 марта суғорилди, холос. Ана шунинг учун ҳам пахта тайёрлаш давлат планини бажара олмадик.

Йиғилишда сўзга чиққан «Оққўрғон» совхозининг бош агрономи Искандаров, бош инженери С. Ғойибов, «Октябрь 40 йиллиги» колхозининг агрономи Б. Сувонов, ғайон қишлоқ хўжалик бўлимининг мудири Х. Валиев, агрономи Ю. Лян ва бошқа ўртоқлар ҳам ўтган йили йўл қўйилган хатоларни бу йил такрорламаслик учун чигит экишни энг қисқа муддатларда сифатли қилиб ўтказиш ва уни текис ундириб олиш юзасидан қатор тадбирлар тўғрисида гапирдилар.

Йиғилиш қишлоқ хўжалик экинлари етиштиришнинг меҳнати оз, ҳосили соз, таннархи арзон бўлсин, деган жанговар шиор остида ўтди.

У. УМАРОВ,
С. МУСТАФОЕВ.

Шайланиб турибтилар

Мана, бригаданинг кафтдек текисланиб, бороналаб қўйилган пахта майдони. Колхозчилар ерни экишга тайёрлаш юзасидан сўнгги тадбирларни амалга оширмоқдалар. Бригадирни ҳам шу ерда учратдик.

— Ўтган йили,— деди бригадир Абдусаттор ака Аноркулов,— планимизни бажара олмай, кўпчилик олдида уятли бўлиб қолдик. Бу йил пахтадан юқори ҳосил етиштириб, ўзимизни оқлаш учун астойдил ҳаракат қилмоқдамиз. Ҳар гектар ерга зарур миқдорда гўнг, минерал ўғит жамғариб қўйдик. Ариқ-зовурларимиз тозаланган, техникани ҳам қайта кўрикдан ўтказмоқдамиз. Ер текислаш, бороналаш ишлари сифатли бораяпти. Пахта майдонимиз 180 гектар. Шу майдоннинг юз гектарига квадрат-уялаб чигит экамиз ва ғўзага инки томонлама ишлов берамиз.

Оққўрғон районидаги Ленин номли колхозининг бу бригадаси ҳар гектар ердан 35 центнердан ҳосил етиштириш учун курашмоқда. Бригадага қарашли икки универсал ва уч «ДТ-24» трактори, тўртта сеялка тўла ремонтдан чиқарилиб, тахт қилиб қўйилган. Колхозчилардан Б. Мустаев, О. Муродов, Т. Умурзоқов, О. Қуролов сингари ўртоқлар экишга тайёргарлик ишларида ғайрат кўрсатиб меҳнат қилмоқдалар.

Х. АҲМЕДОВ.

30 центнер учун

Қуйи Чирчиқ районидаги «ЎзССР беш йиллиги» совхозининг 3-бўлимидаги Жамолиддин Ашуров бошчилик қилаётган бригада ишчилари КПСС Марказий Комитетининг январь Пленуми қарорларидан бениҳоя илҳомланганлари ҳолда, 145 гектар ернинг ҳар гектаридан 30 центнердан «оқ олтин» ҳосили етиштиришга бел боғладилар.

Бригадада чигит экишни 6-7 кун ичида тамомлаш учун дала ишлари қизитиб юборилди. Бригада пахтакорлари мавжуд ҳамма ариқ-зовурларни тозалаб қўйдилар. Кузда сифатли шудгор қилинган ерларнинг ҳар гектарига белгиланган миқдорда гўнг, 400 килограммдан фосфор ва 250 килограммдан суперфосфат ўғитлари солиниб бороналанди.

«Ҳосилни кетмон ишлатмасдан етиштирамиз ва етиштирган пахтамизнинг деярли ҳаммасини машина билан териб оламиз!» — Бу бригада ишчиларининг жанговар шиоридир.

Бригадада ана шу шиор остида тинмай меҳнат қилинмоқда. Ишчи ва механизаторлар ҳозиргача деярли борча майдонни чигит экишга тахт қилиб қўйдилар.

О. ЖУМАНАЗАРОВ.

Мироблар ғайрати

Шу кунларда Бўка, Оққўрғон, Оҳангарон ва Пискент районлараро каналлар бошқармасининг мироблари канал-ариқларни қазиш, тозалаш ишларини авж олдириб юбордилар. Ҳозиргача 27 та сув иншоотн ремонт қилинди, 30 кубометр бетон қуйилиб, сув дарвозалари тузатилди.

Бу ишларда тажрибали мироблардан А. Комилжонов, Н. Шарипов, М. Фозилов, Ф. Номозов, Қ. Тўлаганов, И. Шокиров ва Қ. Ҳакимбоев сингари ўртоқлар ғайрат билан меҳнат қилаётирлар.

Районлараро каналлар бошқармасига қарашли сув шохобчаларидан 70 минг гектар экин майдонини сув билан таъминлаш учун кураш қизғин тус олди.

О. ЭШОНҚУЛОВ.

Дала ишлари суст

Гулистон районидаги «Социализм» совхози ўтган йили давлатга пахта сотиш йиллик планини бажараолмади. Совхоз раҳбарлари бу йил ҳам ўтган йили йўл қўйилган камчиликларнинг такрорланишига йўл қўймоқдалар.

3-бўлим пахтакорлари бу йил ҳар гектар ердан 20 центнердан ҳосил кўтаришга сўз берганлар. Лекин, бу ерда қилинган ишлар талабга мутлақо жавоб бермаётир. Бўлимнинг 6, 7-бригадаларида ариқ-зовурларни тозалаш, далага гўнг ташиш ишлари талабга жавоб бермайди.

Бунинг устига далада ишлаётганлар учун етарли шароит яратиб берилмаган. Дала шийпонлари ҳалигачагача мавсумга тайёрланмаган.

Х. АДАМҚУЛОВ.

ҚУДРАТИМИЗ МАНБАИ ДЎСТЛИГИМИЗДА

Дўстлик! Бундан афзал, бундан қадрли, бундан ҳам улуғ инсоний хислат борми? Доно халқимизнинг «Дўсти кўп кишининг унуми кўп ишининг», «Кўнгил-кўнгилдан сув ичади», «Қаторда норинг бўлса юкинг ерда қолмайди» каби мақолларида қанчадан қанча маъно бор. Бу мақоллар инсоний муносабатларнинг асрлар давомидаги тажрибаси хулосасидир.

Садоқатли чин дўстлари бўлган киши ўзини ҳеч қачон ёлғиз хис этмайди, ҳамиша кўнгли кўтарилиб, қалбида куч-ғайрат, эзгу режалар жўш уриб туради. Дўст учун ёрдам бериш, оғирини енгил қилиш, адашганда тўғри йўлга солиш, дўстнинг дардига ҳам, севинчига ҳам шерик бўлиш энг олижаноб кишиларга хос хислатдир.

Коммунистик партия ва Совет ҳукумати бепоён мамлакатимизда яшаётган ҳамма кишилар ўртасида худди ана шундай самимий, мусаффо дўстлик муносабатларини ниҳоятда донолик ва зийраклик билан ривожлантириб келмоқдалар. Бу, социализмнинг табиатидан келиб чиқадиган вазифадир. Инсоннят даҳосининг буюк генийлари Маркс. Энгельс томонидан ишлаб чиқилган ва пролетар революциялари даврининг гениал доҳийси Владимир Ильич Ленин томонидан такомиллаштирилган миллий сиёсат мамлакатимизда оғишмай амалга оширилаётир. Бу сиёсатнинг оламшумул тантанасига энг ашаддий душманларимиз ҳам тан бермоқдалар. мамлакатимиздаги турли миллат вакилларининг ака-ука, опа-сингилдек аҳил, тотув яшаётганликларини кўриб хасад ўтида қоврилмоқдалар. Партиямиз эса бу интернационал дўстликни ҳамма чоралар билан мустаҳкамлашга, дўстлик, қон-қардошлик алоқаларини янада кенг ва янада чуқурроқ илдиз отгиришга жуда катта эътибор бермоқда.

Яқинда Бекобод шаҳридаги металлургларнинг мухташам маданият саройида меҳнаткашларни интернационализм рухида тарбиялаш ҳақида бўлиб ўтган назарий конференцияда мана шу масала кенг ва атрофлича муҳокама қилинди. Конференцияда шаҳар ва район партия активи, пропагандистлар, старший агитаторлар, саноат ва қишлоқ хўжалиги илғорлари қатнашдилар.

Конференция қатнашчилари тарих фанлари кандидати ўртоқ М. Г. Ваҳобовнинг «Социалистик миллатларнинг янада тараққий этиши ва бир-бирига янада яқинлашуви тўғрисида» ги докладини ҳамда Ленин номидаги Ўзбекистон металлургия заводи партия комитетининг секретари Г. В. Виноку-ров, 1-«Далварзин» совхозидаги 11-ўрта мактаб директори Б. Гуломова, Бекобод шаҳридаги Навоий номли 9-ўрта мактаб директори Э. Маҳкамов, ўқитувчи М. Ф. Фролова ўртоқларнинг қўшимча докладларини тингладилар ва муҳокама қилдилар. Шунингдек конференцияда шаҳар партия комитетининг секретари И. Хуснутдинов «Реакцион урф-одатларга, буржуа миллатчилиги сарқитларига қарши кураш—интернационал тарбиянинг ва халқлар дўстлигини мустаҳкамлашнинг асосий шартидир» деган темада қўшимча доклад қилди.

Докладчи, қўшимча докладчилар ва музокарада сўзга чиққан нотиқлар шуни яқиллик билан таъкидладиларки, пролетар интернационализми халкимиз турмушига, онгига жуда чуқур сингиб кетди. Бунг кар бир шаҳар, ҳар бир қишлоқ, ҳар бир маҳалла, ҳатто энг кичик коллективлар мисолида яққол кўриш, сезиш мумкин.

Кўпмиллионли совет халқи Улуғ Октябрь революциясини тайёрлаш, уни амалга ошириш ва социализм ғалабасини таъминлаш учун кураш жараёнида дўстона бир оилага бирлашди. Қардош совет социалистик миллатлари бири-бирининг миллий хўжалиги ва маданиятини ривожлантиришга, равнақ топтиришга яқиндан ёрдам бермоқда. Бу соҳада улуғ рус халқининг мамлакатимиздаги бошқа халқларга, айниқса ўтмишда мустамлакачилик исканжаси остида ижтимоий тараққиётдан орқада қолиб келган ўзбек, қозоқ, қирғиз, тожик туркман, чечен, ингуш, мордва, татар, қолмик ва бошқа халқларга кўрсатган муруввати оғаларча бегараз ёрдами пролетар интернационализмининг ёркин намунаси бўлди. Кўп элатларнинг, жумладан Ўзбекларнинг социалистик миллат сифатида шаклланишида ва энг тараққий топган миллатлардан бирига айланишида рус, украин ва бошқа совет халкларининг таъсири кучли бўлди. Республикамиз экономикасини зўр бериб ривожлантиришда марказий Россия меҳнаткашлари, айниқса ишчилари, инженерлари, олимлари, механизаторлари беқиёс катта ёрдам бердилар Шу ёрдам туфайли Ўзбекистонда кўп тармокли оғир индустрия, енгил саноатнинг деярлик кўпчилик соҳалари вужудга келди, фан ва маданият ўчоқлари барпо этилди. Дунё аренасига чиққан Тошкент тўқимачилик комбинати, «Таштекстильмаш» «Ташкенткабель» заводлари, Чирчиқ шаҳридаги гигант электр кимё комбинати, «Чирчиксельмаш», «Узбекхиммаш» ва «Электромаш» заводлари, Фарҳод ГЭСи, Оҳангарон ГРЭСи Бекобод цемент комбинати ва металлургия заводи ҳамда бошқа кўпгина саноат корхоналари ўзбек миллатининг ифтихори бўлиши билан бирга интернационал дўстлик маҳсули ҳамдир. Оҳангарон ГРЭСини юзга яқин миллат вакиллари қурди. Ўзбекистон конларини топиш, очиш ва ишга туширишга Донбасс ва Кузбасс шахтёрлари бошчилик қилдилар. Урал ва Украина металлургиялари Ўзбекистон металлургия заводини қуришга, бу завод учун миллий кадрлар тайёрлашга оталик қилдилар. Қалб даъвати билан шу завод қурилишига келган ва ҳар бири ўнлаб кадр етиштирган Гордеев, Шелованов, Штирев, Терешенков, Сергеева каби ўртоқларни донгдор металлургларимиз Ҳафиз Ғаниев, Сапд Нуриддинов, Баннон Мирзаматовлар бошга кўтарадилар. Ўзбек йигити Асад Эргашев, украин Петр Жиляев, тожик Шамси Нуриддинов, рус Сергей Зверевлар бир қоиндан талашиб тушгандек иноқ, ягона олижаноб мақсад йўлида мартен печлари олдида ва прокат станида ёнма-ён туриб ишлайдилар. бир-бирларига ёрдамлашадилар. 1-«Далварзин» совхозининг ўзида 20 га яқин миллат фарзандлари бирга яшамоқдалар.

Бундай мисолларнинг сон-саноғи йўқ. Булар шуни кўрсатадики, мамлакатимиздаги жамики миллатлар, элатлар коммунистик қурилиш йўлида бир-бирлари билан чамбарчас боғланган Ҳар бир миллат умумхалқ рўзғорига, умуминтифоқ дастурхони ва хазинасига ўз ҳиссасини қўшади ва ўз улушини олади.

Ўзбек халқи ана шу қудратли хўжаликка пахта, пилла, канопжут, қорақўл, рангли металл, турли машина, ускуна ва бошқа бойликлар билан ўз ҳиссасини қўшади. Бу нарсаларни қанчалик кўп ишлаб чиқарсак, қардошларимиз биздан шунча кўп хурсанд бўладилар, демак интернационал бурчимизни шунча яхши ўтаган бўламиз.

Худди шунинг учун ҳам республикада, жумладан областимизда юқори меҳнат унумдорлиги учун, юқори ҳосил учун кураш тобора қизғин тус олмоқда. Меҳнатимиз унуми қанчалик кўп бўлса, интернационал дўстлик шунча мустаҳкамланади.

М. ҒОЗИЕВ,
«Тошкент ҳақиқати»нинг махсус мухбири.

* * *

Суратда: конференция қатнашчиларидан бир группаси танаффус пайтида ўзаро суҳбатлашмоқдалар.

Қ. Розиқов фотоси.
(ЎзТАГ фотохроникаси).

ОЙНАНИ АВТОМАТЛАР КЕСМОҚДА

ЧИРЧИҚ. (ЎзТАГ). Чирчиқ ойна заводида ойна полотносини қирқиш учун биринчи автоматик кассета синовдан ўтказилмоқда. Бу иш шу вақтгача механизациллаштирилмаган эди.

Ойнани қирқиш, бўлакларга ажратиш ва транспортировка қилиш учун автоматик линиянинг кичкина модели кўп ўтмай Бутуниттифоқ халқ хўжалиги ютуқлари виставкасидаги Ўзбекистон ССР павильонида пайдо бўлади. Бу моделни Чирчиқ ойна заводининг устакорлари тайёрладилар. Бу — модель. Линиянинг ўзига назар ташлайлик. Унинг қизиқ тарихи бор.

Линия чертёжларн «Константиновский» ойна заводидан олиб келинди. Чирчиқ мутахассислари автоматнинг кўпгина узелларини конструктив жиҳатдан яхшилаб, линияга ойнани автоматик усулда қирқадиган мослама қўшдилар. Вазифа оқилона ва оддий усулда ҳал қилинди. Ойна полотносн транспортер бўйича борнб, автоматик кассета ичига киради ва горизонтал ҳолатда ағдарилади. Сўнгра, тўртта қирқувчи асбоб ишга тушади ва полотно тайёр маҳсулотга айланади. Автоматик кассета олтита импульсли виключателлар билан таъминланган бўлиб, у ана шу виключателлар ёрдамида бошқарилади.

Пландан ташқари маҳсулот

Аҳолига кўплаб сифатли оёқ кийимлари етказиб бериш учун астойдил курашаётган Тошкентдаги 2-пойафзал фабрикасининг ишчилари, инженер-техник ходимлари ва хизматчилари иш суръатини кун сайин жадаллаштирмоқдалар. Ишлаб чиқариш жараёнларини тинмай механизациялаш, прогрессив технология ва илғор иш методларини кенг жорий қилиш натижасида давлат планлари ортиги билан адо этилаётир.

Пойафзалчилар шу йилнинг биринчи квартал планини муддатидан илгари, 28 мартда тўла бажардилар ва қўшимча равишда 8 минг жуфтдан кўпроқ турли хил эркаклар ботинкалари, аёллар туфлилари тайёрладилар.

Юзлаб пешқадам ишчилар корхона коллективи қўлга киритаётган ютуқларга муносиб ҳисса қўшмоқдалар. М. Холмуҳамедова, З. Азимова, М. Халилова ўртоқлар ва бошқа ўнлаб меҳнатсеварлар нормани 130-140 процент бажариб, касбдошларини ўз орқаларидан эргаштириб боришяпти.

Корхонада рационализаторлик ва ихтирочилик ҳаракати ҳам кенг қулоч ёймоқда. Рационализатор ўртоқ И. Дикштейн ва Н. Ильин ўртоқлар «СКП» маркали машинани модернизация қилдилар. Натижада унинг унумдорлиги деярли икки баравар ошди, пойафзал сифати эса яхшиланди.

4-цех бошлиғи Е. Богословский танкеткаларни тайёрлашни тезлаштириш имконини берадиган мослама яратди. Мослама «Регаль» типидаги машинага ўрнатилди. Бу таклиф меҳнат унумдорлигини ошириш билан бирга, танкеткаларнинг пишиқ ва мустаҳкам ишланишига ёрдам бермоқда.

Н. ОМОНОВА.

ЕТТИ ЙИЛЛИК ИЛҒОРЛАРИ

УСТОЗ ҲАМ ХУРСАНД

Самат ишдан уйига қайтганида осмон сурма рангга кирган эди. Тоғ томондан эсаётган ёқимли шабада ҳар қандай кишининг баҳридилини очади. Аммо Саматнинг кўнгли хира. У, нималаринидир ўйлар, ўзича аллақандай режалар тузарди. «Муборак қандай бўларкин. Эпчилликка эпчилку-я, лекин ёқлик қилмасмикин, кўпчилик билан иш олиб бориш қўлидан келармикан...» Унинг мияси ана шу хаёллар билан банд эди.

Самат Раҳмоновни Оҳангаронда танимайдиган киши йўқ. У устоз қурувчилардан ҳисобланади. Лекин нега у шу топда бунчалик ўйга толиб қолди?

...Қурилиш бошқармасига қарашли бригадалардан бири оқсаб қолди. Уни ҳам олдингиларга тенглаштириш лозим. Самат Раҳмонов Валентина Гаганова бошлаган ватанпарварлик ташаббусига амал қилиб, ўша бригаданинг ишини яхшиламоқчи. Лекин ўз бригадасининг иши қандай бўларкин, бригада аъзоларидан бирини, масалан, ишда илғор, гайратли Муборак Габдуллинни бригадир қилиб кўрсатсинми? Саматни ўйлатаётган нарса худди ана шу эди.

Бу воқеа ўтган йилнинг бошларида бўлган. Ўшандан буёнги ишлар шуни кўрсатдики, Самат муносиб ўринбосар тайёрлаган экан. Муборак Габдуллин Саматни ишдаги эпчиллиги, ташкилотчилиги ҳамда гайрат-шижоат билан меҳнат қилиши орқали жуда хурсанд қилди. Муборакнинг бригадаси тобора юқори кўрсаткичларга эриша бошлади. Бунинг сабаби бор, албатта. Муборакнинг ўзи иш жойларида тез-тез бўлар, қурилиш объектларида меҳнатни қандай ташкил қилиш тўғрисида қурувчилар билан маслаҳатлашар, бригада аъзолари билан бамаслаҳат иш кўрарди.

Мана, ҳозир Муборак Габдуллин бригадаси ой сайин яхши кўрсаткичларга эришаётир. У бошчилик қилаётган қурувчилар комплекс бригадаси Катта Оҳангаронда уйжой бинолари қуриш, цемент заводини реконструкция қилиш, маданий-маиший муассаса бинолари барпо этишда гайрат билан меҳнат қилди. Коллективнинг қанчалик иноқ ҳамда меҳнатсеварлиги Тешиктош посёлкасидаги мактаб биносини қуришда яққол намоён бўлди. Улар уч звенога бўлиниб иш олиб боришди. Сеитяхё Сайдахметов, Андрей Голишев, Измаил Ибрагимовлар бошлиқ гишт терувчилар, дурадгорлар ва сувоқчилар звенолари бир оила фарзандларидек меҳнат қилишди. Қурилиш ишлари комплекс усулда ташкил этилгани натижасида объект муддатидан илгари фойдаланишга топширилди, иш сифатли бўлиб, қурилиш топшарҳи арзонлашди.

Муборак Габдуллин бригадасида ҳозир ёрдамчи ишчиларга эҳтиёж қолмади. Бу ердаги ҳар бир қурувчи бир неча касбни эгаллаб олган. Зарур бўлган ҳолларда гишт терувчи Али Юсупов, Аҳмед Сифершаевлар сувоқчилик, печка қуриш, дурадгорлик ишларини бемалол бажаришаверади. Людмила Леванова, Татьяна Аверина ўртоқлар ҳам икки-учтадан касб эгаси.

Бу ерда меҳнат интизомини мустаҳкамлаш, иш усулларини такомиллаштириш, қурувчиларнинг малакаси ва сиёсий савиясини ошириш, социалистик мусобақани авж олдиришга ҳар вақт алоҳида эътибор қилинади. Шунинг учун ҳам қурувчилар коллективи социалистик мусобақа якунларида ой сайин илғорликни эгаллаб келмоқда. Шуни айтиш керакки, қурилиш материаллари — ёғоч, қоришмаларни тежаб-тергаб сарфлаш, вақтдан унумли фойдаланиш ҳамда браксиз ишлаш натижасида ўтган йили давлатнинг 35 минг сўмдан зиёд маблағи иқтисод қилиб қолинди.

Илғор бригада аъзолари бошқарма коллективида биринчи бўлиб коммунистик меҳнат коллективи деган юксак номни олишга сазовор бўлдилар.

— Бу биздан,— дейди ўртоқ Габдуллин,— янада гайрат билан ишлаш, ўз маданий савиямизни тинмай оширишимизни талаб қилади. Зотан, коммунистик жамият аъзоси юксак маданий савияга эга бўлиши керак-да!

Ўртоқ Габдуллиннинг бу гаплари жуда тўғри. Бригадирнинг ўзи, қурувчилардан Михаил Сим, Мамажон Рўзибоевлар ишлаб чиқаришдан ажралмаган, ҳолда тоғ-қурилиш техникумида, Урол Турғунов эса кечки мактабнинг 7-синфида ўқимоқда.

— Қурувчилик шарафли касб!— дейишади бригада аъзолари ўз ҳунарларидан мамнун бўлиб,— биз бутун кучимизни коммунизм биносини барпо қилишдек улуғвор ишга сарфлаётганимиздан ниҳоятда хурсандмиз.

«Ўзбекшахтострой» қурилиш трести коллективи ўртасида КПСС-нинг XXII съезди шарафига социалистик мусобақа авж олиб кетган шу кунларда, ўртоқ Муборак Габдуллин бошлиқ пешқадам комплекс қурувчилар бригадасининг аъзолари ойлик планларини 170 процентга етказиб адо этмоқда.

Бригаданинг бундай муваффақиятларидан Габдуллиннинг устози, ҳозирги пайтда цемент заводи қурилишида ишлаётган Самат Раҳмонов ҳам хурсанд бўлаётир.

Ф. ПЕТРОВ,
Оҳангарон шаҳри.

Мусобақа пешқадамлари

Йиллик ишлаб чиқариш планини 24 апрелгача бажаришга аҳд қилган Тошкентдаги «Шарқ гули» бадиий каштачилик фабрикасининг меҳнатсевар коллективи дуруст ютуқларни қўлга киритмоқда. Каштачилар ўз буюмлари тайёрлаш бўйича белгиланган топшириқлар мунтазам ортиғи билан бажарилаётир. Корхонада партия XXII съездини муносиб совғалар билан кутиб олиш бўйича бошланган социалистик мусобақа кенг қулоч ёйди. Бунда биринчи цех коллективи пешқадамлик қилаётир. Бир тан-бир жон бўлиб ишлаётган цех чеварлари меҳнатда юқори кўрсаткичларга эришмоқдалар.

Фабрикада топшириқларни мунтазам ошириб адо этаётган ишчилар сафи кенгайиб боряпти. Айрим чевар хотин-қизлар смена нормасини 200 процент ва ундан ҳам ошириб адо этишмоқда. Марзия Додахўжаева, Машкура Обидова ва Валя Чернишевалар шулар жумласидандир. Бу пешқадамлар унумли меҳнат қилиш билан бирга, доим сифатли маҳсулот беришяпти.

А. АБДУМУТАЛОВ.

Инобат Эшонхонова Тошкентдаги пайпоқ-трикотаж фабрикасининг пешқадам тўқувчиларидан бири. Ёш ишчи смена нормасини доим 120 процентдан бажармоқда. Суратда: ўртоқ И. Эшонхонова иш устида.
С. Рихсиев фотоси.

МОСКВА КЕНГАШИ МАТЕРИАЛЛАРИ—ОММАГА!

Пролетар интернационализми байроғи остида

Ватанимиз пойтахти Москвада 1960 йил ноябрь ойида бўлиб ўтган коммунистик ва ишчи партиялар вакилларининг Кенгаши марксизм-ленинизм байроғи остида бирлашган, инсониятнинг бахт-саодати, порлоқ келажаги учун курашаётган марксистик партиялар ўртасидаги бирлик мустаҳкам ва бузилмас буюк кучга айланганлигини яна бир марта амалий равишда кўрсатди. Кенгашда иштирок этган 81 коммунистик ва ишчи партияларнинг вакиллари Улуғ Октябрь социалистик революцияси бошлаб берган, асосий мазмуни капитализмдан социализмга ўтишдан иборат бўлган бизнинг давримиз бир-бирига қарама-қарши турган икки ижтимоий системанинг кураш давридир, социалистик революциялар ва миллий озодлик революциялари давридир, империализм емирилаётган, мустамлакачилик системаси тугатилаётган даврдир, деб кўрсатиб ўтдилар.

Коммунистик ва ишчи партиялар ўртасидаги мустаҳкам бирликнинг назарий асоси марксизм-ленинизмнинг буюк ҳаётбахш таълимотидир. Марксизм-ленинизмга содиқ бўлиш, уни турли конкрет тарихий шароитларда изчиллик билан ижодий ривожлантириш ва ҳаётга тадбиқ этиш, меҳнаткаш оммани пролетариат бошчилигида ҳар қандай ижтимоий ва синфий зулмнинг асосларини қўпориб ташлаш учун курашга бошлаб бориш — пролетар интернационализми принципларини изчиллик билан амалга ошириш демакдир. Марксизм-ленинизм маълум бир давр учун ёки маълум бир мамлакат учун тааллуқли бўлган таълимот эмас. Марксизм-ленинизм барча миллат меҳнаткашларини бирлашишга, ижтимоий зулмнинг ҳар қандай формасига қарши кескин кураш олиб боришга чақирувчи таълимотдир. Марксизм-ленинизм миллатларнинг тенгҳуқуқлигини, маданиятини, урфу-одатини, мустақиллигини ҳимоя қилишга, улар ўртасидаги дўстона иқтисодий ва маданий алоқаларни янада ривожлантиришга чақирувчи таълимотдир. Пролетар интернационализмининг ҳаётбахш ғоялари марксизм-ленинизм назариясининг туб моҳиятидан, пролетар олдида турган тарихий вазифаларнинг асосий йўналишидан келиб чиққандир. Пролетар интернационализми барча халқларнинг дўстлигини, тенгҳуқуқлигини, бирдамлигини изчиллик билан ҳимоя қилувчи идеологиядир. Пролетар интернационализмининг асосий моҳияти бундан 113 йил муқаддам К. Маркс ва Ф. Энгельснинг коммунистик партия манифестида баён қилинган «Бутун дунё пролетарлари, бирлашингиз!» деган шиорида яққол ифодаланган-дир.

Пролетар интернационализмининг ҳаётбахш кучи дунёда биринчи социалистик мамлакат бўлган Совет Иттифоқида ўтмишда мавжуд бўлган миллий тенгсизликни тугатиш, миллий муносабатларни эркинлик, ўзаро ҳамкорлик ва тенгҳуқуқлик асосида қуришда тўла намоён бўлди. Совет Иттифоқидаги турли миллат кишилари пролетар интернационализми ғояларининг изчиллик билан амалга оширилиши натижасида бузилмас, мустаҳкам, дўстона оилага бирлашдилар, ҳозир эса қўлни-қўлга бериб, Коммунистик партия раҳбарлигида коммунистик жамиятнинг тўла тантанаси сари олга бормоқдалар. Миллий масалани адолатли ва тенгҳуқуқлик асосида ҳал қилиш соҳасида Совет Иттифоқининг эришган буюк муваффақиятлари жуда катта халқаро аҳамиятга эгадир.

Кўп миллатли социалистик давлат бўлган Хитой Халқ Республикасида, бошқа халқ демократияси мамлакатларида турли миллат вакилларини тенгҳуқуқлик ва ихтиёрийлик асосида дўстона оилага бирлаштириш, пролетар интернационализми ғояларини изчиллик билан амалга ошириш натижасида эришилди.

Инсониятнинг бахт-саодати учун, социализм ва коммунизм қуриш учун курашаётган коммунистик ва ишчи партиялари ўртасидаги муносабатлар ҳам пролетар интернационализми ғояларига асослангандир. Бундан 42 йил муқаддам Москвада бўлиб ўтган коминтернниг Биринчи конгрессига 30 та мамлакатнинг коммунистик партиялари ва сўл социалистик ташкилотларидан вакиллар келган эди. Ҳозир эса дунёдаги 87 мамлакатда коммунистик ва ишчи партиялар бўлиб, уларнинг сафларида 36 миллиондан ортиқроқ киши бор. Булар тинчлик, демократия, социализм ва коммунизм учун курашаётган инсониятнинг илғор отрядидир.

Коммунистик ва ишчи партиялар-нинг бирлиги ва шу бирликнинг мустаҳкамлиги марксизм-ленинизм назариясига содиқ бўлиб, уни изчил амалга ошириш билан белгиланади. Коммунистик партиялар ўртасидаги пролетар интернационализми принципига асосланган ҳамкорлик ва бирдамлик улар олдида турган асосий вазифаларнинг моҳияти билан белгиланади. Ҳар бир мамлакатдаги коммунистик ва ишчи партияларнинг мақсади бирор халқнинг ёки миллатнинг манфаатинигина кўзлаш билан чекланмайди. Коммунистик келажакка интилиш-халқаро интернационал ҳаракатдир. Коммунистик ва ишчи партиялар ўз мамлакати халқининг, шу жумладан бутун дунё меҳнаткашларининг бахт-саодати учун курашади. Марксизм-ленинизмга содиқ бўлган ҳар бир коммунистик ва ишчи партиянинг фаолияти жаҳон миқёсидаги бир бутун коммунистик харакатнинг ажралмас таркибий қисмидир.

Турли мамлакатлардаги коммунистик партиялар сон жиҳатидан, тарихий тажрибасининг бойлиги жиҳатидан, мазкур мамлакат халқига бўлган таъсирининг кучи жиҳатидан бир хил эмас. Совет Иттифоқи Коммунистик партияси, Хитой коммунистик партияси бир неча миллионлаб кишиларни ўз сафларига бирлаштирган бўлиб, синфий кураш ва тинч қурилиш соҳасида қўлга киритган бой тарихий тажрибага эгадир. Эрон, АҚШ, Ироқ, Парагвай, Испания, Бирлашган Араб Республикаси сингари мамлакатлардаги коммунистик партияларнинг фаолиятлари эса ҳукумат томонидан тақиқланган, йирик арбоблари зиндонларга, турмаларга ташланганлиги сабабли очиқ ҳаракат қилиш, меҳнаткаш омма билан бевосита алоқани янада мустаҳкамлаш ҳуқуқидан маҳрум бўлганлар. Шунга қарамай, жаҳондаги барча коммунистик ва ишчи партиялар тенг ҳуқуқлик асосида ягона бузилмас фронтга бирлашганлар. Халқаро коммунистик ҳаракатда «юқори тур-ғунчи», «бўйсинувчи» партиялар бўлган эмас ва бўлмайди.

Империализм идеологлари ва ҳозирги замон ревизионистларнинг, коммунистик ҳаракатга Москвадан туриб раҳбарлик қилинади, коммунистларга Москва кўрсатма бериб туради, деб вайсашлари қуруқ туҳматдан иборатдир.

Коммунистик ва ишчи партиялар вакилларининг Москва Кенгашида кардош коммунистик ва ишчи партиялар вакиллари В .И. Ленин яратган Совет Иттифоқи Коммунистик партиясининг халқаро коммунистик ҳаракатдаги, жаҳон меҳнаткашлари олдидаги хизматларига юксак баҳо бериб, «Совет Иттифоқи социалистик лагерга бош бўлиб турибди, КПСС эса коммунистик ҳаракатга бош бўлиб турибди» деган таърифни Кенгаш Баёнотига киритишни таклиф этдилар. Н. С. Хрушчев бошчилигидаги КПСС делегацияси бу таклиф учун ташаккур изҳор қилди.

Коммунистик ва ишчи партиялар ўртасидаги бирдамлик улар бир «раҳбар» партия атрофида бирлашганликлари билан эмас, балки коммунистик ҳаракатнинг моҳиятини ташкил этувчи марксизм-ленинизм ғояларига содиқ бўлишлиги билан белгиланади. Ҳозирги замон ревизионистлари ва реформистлари коммунистик ва ишчи партиялар ўртасидаги пролетар интернационализми принципига асосланган қудратли бирликни бузишга ҳаракат қилмоқдалар. Улар халқаро коммунистик ҳаракатнинг юксалишидан ниҳоятда қўрқадилар. Социалистик мамлакатларнинг меҳнаткашлари, капиталистик мамлакатлардаги коммунистик ва ишчи партиялар қўлга киритаётган ҳар бир муваффақият халқаро империализмга, ревизионизмга берилган зарбадир. «Миллий коммунизм» назарияси пролетариатнинг халқаро бирдамлигини, коммунистик ва ишчи партиялар ўртасидаги бирликни бузишга, коммунистик ҳаракатни заифлаштиришга қаратилган таълимотдир. «Миллий коммунизм» назариясини Джон Фостер Даллес кўкларга кўтариб мақтагани, АҚШ ҳукуматининг «миллий коммунизм» қуриш йўлига ўтган мамлакатларга ҳар томонлама ёрдам беришга тайёр эканини эълон қилгани бечиз эмасдир.

Қудратли социалистик системани ташкил этувчи мамлакатларнинг халқлари ўртасидаги муносабатлар ҳам пролетар интернационализмига асослангандир. Социалистик лагерь мамлакатларининг халқлари ўртасидаги сиёсий-иқтисодий ва маданий муносабатлар ихтиёрийлик, тенгҳуқуқлилик, ўзаро дўстона ёрдамлашиш ва қонгвий бирлик принципларн билан белгиланади. Социалистик мамлакатлар халқлари ўртасидаги дўстона муносабатларни бундан бўён ҳам ривожлантириш — пролетар интернационализмининг шу ҳаётбахш принципларини изчиллик билан амалга ошириш йўлидан боради.

Социалистик мамлакатлардаги ишлаб чиқариш кучларининг ривожланиши, халқ хўжалигини планлаштириш координация асосида бормоқда. Бу эса жаҳон социалистик системасининг умумий иқтисодий базасини янада мустаҳкамлашга, социалистик системадаги барча халқларнинг озми-кўпми бир вақтда коммунизмга ўтишига имкон туғдиришга олиб келади.

Ҳозир Совет Иттифоқи қардош социалистик мамлакатларга 500 га яқин саноат корхоналари ва объектлари қурилишига ёрдам берди. Бизнинг бу мамлакатларга берган қарз ва кредитларимиз янги пул ҳисоби билан 7,8 миллиард сўмни ташкил этади. Қардош социалистик мамлакатлар ҳам ўз навбатида Совет Иттифоқи экономикаси ва маданиятининг юксалишига ҳар томонлама ёрдам кўрсатмоқдалар.

СССР ва бошқа халқ демократияси мамлакатлари ўртасидаги дўстона муносабатлар пролетар интернационализми ғояларининг янги амалий тантанасидир.

Пролетар интернационализмининг олий принципларига асосланган социалистик мамлакатлар иқтисодий жиҳатдан кам тараққий этган собиқ мустамлака ва қарам мамлакатларга, уларнинг давлат ва ижтимоий тузумидан қатъий назар, ўз иқтисодий қолоқликларини тугатишда дўстона ёрдам бериб келмоқдалар.

Социалистик мамлакатлар ўз моддий бойликларининг бир қисмини собиқ мустамлака ва қарам мамлакатларга ёрдам тариқасида бериш билан ҳеч қандай сиёсий ва ҳарбий мақсадларни кўзда тутмайдилар. Шу билан бирга социалистик мамлакатлар ёш миллий давлатларнинг суверенитетини ҳурмат қиладилар ва уларнинг ички ишларига ҳеч қачон аралашмайдилар.

Шунингдек, Совет Иттифоқи ва бошқа халқ демократияси мамлакатларининг олий ўқув юртларида собиқ мустамлака ва қарам мамлакатларнинг юзлаб ўғил-қизлари таълим олмоқдалар. Бу хусусда Москвада очилган Патрис Лумумба номидаги халқлар дўстлиги университети катта аҳамиятга эгадир.

Москва Кенгашининг коммунистик партияларни марксизм-ленинизм, пролетар интернационализми асосида бундан буён ҳам маҳкам жипслаштириш, ишчилар синфининг барча кучларини тинчлик, демократия ва социализм байроғи тагига янада маҳкамроқ жипслаштириш тўғрисидаги кўрсатмаси коммунистик ва ишчи партиялар амалий фаолиятининг асосини ташкил этмоқда.

З. ЮСУПОВ,
философия фанлари кандидати.

Д. ҒАНИЕВ.

Мактабнинг турмуш билан боғланишини мустаҳкамлайлик

31 мартда Свердлов номли концерт залида область халқ маорифи активининг йиғилиши бўлиб ўтди. Йиғилишда область партия комитетининг секретари Ўртоқ Х. Р. Мусахонова область халқ маорифи ишининг аҳволи ва уни яхшилаш тадбирлари ҳақида доклад қилди.

Докладчи мактабнинг турмуш билан боғланишини мустаҳкамлаш тўғрисида ва мамлакатда халқ маорифи системасини янада ривожлантириш ҳақида Қонун қабул қилинган вақтдан буён ўтган 2 йил мобайнида ана шу оқилона Қонунни амалга ошириш борасида қўлга киритилган ютуқлар, шу билан бирга ўқув-тарбия ишидаги камчиликлар ҳақида гапирди. Ўқишни ишлаб чиқариш билан боғлаб олиб бориш, ўқувчиларда меҳнат кўникмалари ҳосил қилишда областдаги кўпгина мактабларнинг дастлабки иш тажрибалари дуруст якунланди. 254 ўрта мактбнинг 117 тасида ишлаб чиқариш ўқуви ташкил этилди, бу мактаб ўқувчилари саноат, қишлоқ хўжалиги, алоқа, маориф ва бошқа мутахассисликлар бўйича ишлаб чиқариш таълими оладилар.

Бекобод шаҳридаги мактаблар бу соҳада биринчи бўлиб ташаббус кўрсатдилар. 1958 йилдаёқ шаҳарда 74 ўқувчи етуклик аттестати олиш билан бирга, мутахассислик гувоҳномасини ҳам олди. 16 ўзбек қизи медицина ҳамшираси бўлиб етишди. Шуни ҳам айтиш керакки, Бекобод шаҳридаги мактабларнинг ишлаб чиқариш ўқувини яхши уюштиришда шаҳардаги саноат корхоналари чинакам оталик ёрдами кўрсатмоқдалар. Жумладан, металлургия заводи, цемент комбинати, Фарҳод ГЭС, УПР-704 ташкилотлари мактабларда устахоналар қуриш, уни жиҳозлаш ишига катта ёрдам кўрсатдилар. 75 та турли дастгоҳ ўрнатилди. Фақат 10 ва 1-мактаблар устахоналарининг умумий қиймати 2 миллион (эски пул ҳисобида) сўмни ташкил этади. Ваҳоланки, бунинг учун бюджет бўйича 67 минг сўм (эски пул ҳисобида) маблағ сарфлаш мўлжалланган эди.

Ўқувчиларнинг ишлаб чиқариш ўқувини яхши ташкил этиш натижасида мактаб учун энг зарур инвентарларни ўқувчиларнинг ўзлари ясай оладиган бўлиб етишдилар.

Шунингдек, бундай ютуқлар Чирчиқ, Оҳангарон, Олмалиқ шаҳарлари, Янгийўл районининг айрим мактабларида ҳам қўлга киритилмоқда. Булардан ташқари, мактабларда ташкил этилган ишлаб чиқариш бригадалари ҳам ёшларнинг меҳнат кўникмаларини ошириш, қишлоқ хўжалиги учун муносиб кадрлар етиштиришда катта омил ҳисобланади. Областимизда 290 ўқувчилар ишлаб чиқариш бригадалари тузилган. 1960 йили бу бригада аъзоларининг кучи билан 14 минг тонна пахта етиштирилди. Областимиз мактабларида бир сменалик машғулотларга ўтиш соҳасида ҳам катта ишлар қилинди. Лекин шуни очиқ эътироф этиш керакки, ҳали мактабларда ўқув-тарбия ишларида талай камчиликлар мавжуд.

Мактабларга ўқувчиларни тўла жалб қилмаслик, ўқувчиларнинг ўқишни ташлаб кетиш ҳолларини қаттиқ қоралаш керак. Ўзбек қизларининг мактабдан кетиб қолиш ҳоллари кўп учрайди. Масалан, бундай ҳоллар Бўстонлиқ, Бўка, Пискент, Чиноз районларида кўпроқ содир бўлмоқда.

(ОБЛАСТЬ ХАЛҚ МАОРИФИ АКТИВИНИНГ ЙИҒИЛИШИДАН)

<>

Докладчи мактабларга дуруст ёрдам бермаётган оталик ташкилотларини танқид қилди. Айниқса, кечки ишчи-ёшлар мактабларининг ишини яхшилаш юзасидан шаҳар, район партия комитетлари, оталик ташкилотлари умумжамоатчилик яқиндан ёрдам бериши керак. Етти йиллик перспектив план бўйича 1965 йилда областдаги мактаблар тармоғи 1259 га етади. Шундан 263 ўрта ва 503 саккиз йиллик мактабларда ишлаб чиқариш ўқуви ташкил этилади. Мактаб-интернатлар сони 52 тага етади. Буларнинг ҳаммаси халқ маорифи ходимлари олдида кўпгина янги проблемалар турганлигини кўрсатади.

Доклад юзасидан қизғин музокаралар бўлди. Чирчиқ шаҳар халқ маорифи бўлими мудири Ўртоқ Ларин коммунистик меҳнат шаҳри номини олиш учун курашаётган меҳнаткашлар хизмати ҳақида гапириб, бу курашда халқ маорифи ходимлари қўлга киритган ютуқларни айтди.

Ўртоқ Ларин Чирчиқ шаҳри мактабларининг ишлаб чиқариш таълими ҳақида сўзлади.

— Мактабларимизда, — деди у, — ишлаб чиқариш синфлари ташкил этилган. Шу йилнинг ўзида 210 ўғил-қиз турли мутахассислик бўйича разряд олди. — «Ўзбекхиммаш» заводи, қаттиқ қотишмалар ва ўтга чидамли буюмлар комбинати сингари йирик саноат корхоналари ўз оталиғига олган 2, 9, 13- ва бошқа мактаб ўқувчиларининг чинакам меҳнат таълими олиши учун база яратиб бермоқдалар.

Шунингдек, Бекобод шаҳридаги 9-мактаб директори Маҳкамов, Янгийўл районидаги 1-мактаб-интернат директори Маҳмудхонов ўртоқлар ўқувни ишлаб чиқариш билан боғлаб олиб боришдаги тажрибалари ва бу соҳадаги ҳали қилиниши лозим бўлган ишлар, мактабларнинг ишлаб чиқариш таълими базасини мустаҳкамлаш ишига юқори ташкилотлар ёрдам бериши зарурлигини кўрсатиб ўтдилар.

Юқори Чирчиқ районидаги 43-мактаб директори Ўртоқ Сафарова область халқ маорифи бўлими ва ўқувчилар малакасини ошириш институтидаги камчиликлар ҳақида гапирди. Ёш ўқитувчиларга методик ёрдам бериш, улар малакасини ошириш соҳасида дуруст иш қилинмаётганлигини кўрсатди.

Шу билан бирга Ўртоқ Сафарова қишлоқларда етти йиллик мактаблар саккиз йиллик умум таълим политехник мактабига айлантирилиши муносабати билан бу мактабларнинг ишлаб чиқариш таълими базасини мустаҳкамлаш, уларни зарур инвентарлар билан тўла таъминлаш масаласида ҳам гапирди. Шу пайтгача бунинг учун сарфланадиган маблағ қишлоқ Советлари бюджетидан харажат қилинарди. Лекин ҳозир қишлоқ Советларининг бюджети талабга жавоб бермаётир. Шунинг учун ҳам область халқ маорифи бўлими бу масала ҳақида ўйлаб кўриши керак. Чунки кўпгина қишлоқ мактабларида физика, кимё кабинетлари шу пайтгача жиҳозланмаган. Тикувчиликни ўрганаётган қизларимиз учун тикув машиналари етишмайди.

Область комсомол комитетининг секретари Ўртоқ Тўраева мактаб комсомол, пионер ташкилотларининг ишини яхшилаш ҳақида гапирди.

Докладчи ва музокарага чиққан Ўртоқлар халқ маорифи ишидаги камчиликларни рўй-рост очиб ташлаш билан бирга, уни яхшилаш чоралари ҳақида қимматли таклифлар киритдилар.

Актив йиғилишида республика маориф министри Ўртоқ Э. Қодиров нутқ сўзлади.

Йиғилиш иштирокчилари КПСС Марказий Комитети номига табрик хати қабул қилдилар.

Сиҳат саломатлик учун

Инсон учун энг қимматли нарса — аввало соғлиқ-саломатликдир. Шунинг учун ҳам халқимиз «Тани соғлиқ — туман бойлик» деб бечиз айтмаган.

Аҳолига медицина хизмати кўрсатишни яхшилашда медицина муассасалари тармоғини кенгайтириш ҳамда касалхоналардаги койкалар сонини ошириш муҳим роль ўйнайди. Шу йил областимизда бу соҳада қандай ишлар амалга оширилади?

Етти йилликнинг учинчи йилида аҳолига медицина хизмати кўрсатиш янада яхшиланади, касалхоналардаги койкалар сони тагин ҳам кўпаяди; поликлиникалар, санаторий ва дам олиш уйлари, «тез ёрдам» тармоқлари сони ортади. Даволаш-профилактика муассасаларини энг янги медицина аппаратуралари, ускуна ва препаратлар билан таъминлаш давом этади.

Касалхона ва шифобахш даргоҳларда койкалар сонини 2230 тага етказишга қарор қилинди. Янгидан 16 та аптека ишга туширилади.

Қишлоқ аҳолисига медицина хизмати кўрсатишни яхшилаш мақсадида қатор тадбирлар амалга оширилади. Колхоз ва совхозлардаги даволаш муассасалари сони эса жамоат бинолари ҳисобига кўпаяди.

Белгиланган бу тадбирларнинг дастлабки натижалари сифатида ҳозиргача айрим даволаш объектлари ишга туширилди. Ўзбекистон ССР Халқ хўжалик кенгаши Оҳангарон шаҳрида 60 койкали янги касалхона қуришга киришган эди. Эрта-индин ана шу муассаса фойдаланишга топширилади. Ўрта Чирчиқ районидаги плавик-шпат комбинати коллективининг кучи билан янги шифохона қурилаяпти. Йил охиригача бу райондаги «Полярная звезда», Қуйи Чирчиқ районидаги Димитров номли, Бўка районидаги Вильямс номли, Сирдарё районидаги Сталин номли колхозларда ҳам янги касалхоналар ишга тушади. Медицина препаратлари хўжаликлар маблағлари ҳисобига сотиб олинади. Ҳозирги кунда район касалхоналари қурилиши қизитиб юборилган. Айниқса, Янгийўл район жамоатчилигининг бу соҳадаги ташаббуси мақтовга лойиқдир. Жамоатчилик район соғлиқни сақлаш бўлими ходимлари билан ҳамкорликда шу йилнинг ўзида 2 та янги шифохона қуради. Бўстонлиқ район жамоатчилиги ҳам бу ташаббусга қўшилиб, 50 койкали битта касалхона қуришга киришди.

Маъмурий бинолар ўрнида шифобахш даргоҳлар очиш, уларни койкалар ва инвентарлар, препаратлар билан таъминлаш кўзда тутилган. Даволаш-профилактика муассасалари ва янги аптекалар қуриш учун керакли миқдорда маблағ ажратилди.

З. АХТЯМОВА.

ШАҲРИМИЗ ОБОД ВА ОЗОДА БЎЛСИН

Меҳнаткашлар депутатлари Тошкент шаҳар Совети ижроия комитетининг қарори билан шу йил апрель ойида шаҳарни санитария жиҳатидан озода қилиш ва ободонлаштириш ойлиги ўтказилади.

Сўнгги йилларда пойтахтни обод қилиш учун катта маблағлар сарфланаётир. Шу туфайли шаҳримиз кундан-кунга ободонлашиб, кўркам қиёфага кирмоқда. Аммо шаҳарнинг санитария аҳволини яхшилаш соҳасида жиддий камчиликлар бор. Район коммунал хўжалик бўлимлари, санитария жиҳатидан тозалаш район конторалари ва шаҳар «Саночистка» трести пойтахти озода тутиш юзасидан ўз зиммаларига юклатилган вазифани ёмон бажармоқдалар. Трест ихтиёридаги машиналар сонининг бирмунча кўпайганига қарамасдан, ҳали ҳам материал-техника базаси етарли эмас. Кўпгина санитария установкалари санитария-техника талабларига жавоб бермайди.

Шаҳардаги айрим саноат корхоналари ўз атрофларидаги ариқ ва зовурларни тозаламайдилар. Кўпгина маҳаллаларда айрим бепарво хонадонлар ахлат ва супуриндиларни транспорт ва йўловчилар қатнаб турадиган кўча ва тротуарларга чиқариб ташлайдилар. Улар ҳатто ховлиларидан ўтиб, ниҳолларга ҳаёт бағишлайдиган, кишилар истеъмол қиладиган оқар сувларнинг ҳам озода бўлишига эътибор бермайдилар. Бундай кўнгилсиз ҳоллар маҳалла комитетлари ва районларда янгидан ташкил этилган санитария жиҳатидан тозалаш конторларининг бепарволиги орқасида рўй бераётир. Айниқса, Куйбишев ва Киров районларида аҳвол жуда ёмон. Кўпгина районларда қоровуллар ишга жуда кечикиб чиқади. айримлари мутлақо ишга чиқмай ҳам қўйган. Район конторларининг раҳбарлари қоровулларнинг иши устидан етарли даражада назорат қилмаётирлар.

Шаҳарни озода тутиш ва пойтахтимиз ҳуснига доғ тушириб турган нуқсонларни йўқотиш учун шаҳар ободонлаштириш бошқармасининг «Саночистка» трести ойликда ва бундан кейин ҳам амалга ошириладиган муҳим тадбирларни белгилаб чиқди. Кўча ва ховлиларни супуриб-сидирадиган қоровуллар 1 апреллан бери эрталаб соат 4 да иш бошлаб, соат 7 бўлгунча биринчи навбат тозалашни тамомламоқдалар. Бирикитиб қўйилган машиналар эса соат 7 дан 9 гача ахлатларни ташиб кетади. Шундан сўнг сув сепадиган машиналар кўчаларни тозалаб ювади.

Шаҳардаги барча ўқув юртлари, даволаш муассасалари, умумий овқатланиш тармоқлари, завод ва фабрикаларнинг заявкаларига мувофиқ трест ахлат ташиш учун уларга керагича миқдорда автомашина юбориб туради. 1 апреллан бошлаб кузгача кўчалар ва майдонлар ҳар куни икки-уч мартадан супуриб-сидирилиб, сув сепила бошланди. Бунинг учун «Саночистка» трести ихтиёрида 2331 коровул, 39 та сув сепадиган машина ва 229 та ахлат ташийдиган машина бор.

Шаҳар «Саночистка» трести ва унинг районлардаги конторалари, район коммунал хўжалик бўлимлари, коллектив ҳовлиларнинг комендантлари, саноат корхоналарининг уй-жой ва коммунал хўжалик бўлимлари, маҳалла комитетлари ва уй бошқармаларининг раҳбарлари, милициянинг участка вакиллари аҳолининг ойликда актив қатнашишига бошчилик қилиб, шаҳримизни озода тутиш ва янада кўркам қилишга муносиб ҳисса қўшишлари керак. Улар ойлик тамом бўлганидан кейин ҳам бу муҳим иш билан бутун ёз бўйи мунтазам равишда шуғулланиб, ирригация тармоқлари, кўча ва майдонларнинг ҳар доим озода ва шинам бўлиши тўғрисида қайғиришлари лозим. Бу — Тошкентда яшаб, шу шаҳарнинг суви ва ҳавосидан баҳраманд бўлаётган ҳар бир гражданнинг шарафли бурчидир.

И. ИСМОИЛОВ,

Тошкент шаҳар ободонлаштириш бошқармаси «Саночистка» трестининг бошқарувчиси.

Спортда оммавийлик, юксак маҳорат ва янги рекордлар учун!

☆ ☆ ☆

Тошкентда қандай учрашувлар бўлади?

Ўзбекистон спортчиларининг чет мамлакатлар спортчилари билан алоқалари йилдан-йилга кенгайиб бормоқда. Республикамиз командалари Хитой Халқ Республикаси, Афғонистон ва Эронда бўлдилар. Хитой, монгол, немис, афғон, корейс спортчилари Тошкентда футбол, баскетбол, волейбол, шахмат, гимнастика, акробатика, сувда сузиш бўйича учрашувлар ўтказишди. Бу мусобақалар ўзбек спортчиларига чет эллик дўстлари билан алоқани мустаҳкамлаш ва спорт маҳоратини янада оширишга имкон берди.

Бу йилги ёзги спорт мавсумида ўртоқлик учрашувлари ўтказиш учун бизга Афғонистоннинг баскетболчилари ва волейболчилари, Мўғулистоннинг волейболчи хотин-қизлари, Афғонистон, Бирма, Ҳиндистон, Индонезия, Мўғулистон ва Покистоннинг оғир атлетикачилари келишади. Футболчиларимиз ҳам Тошкентда бир неча ўртоқлик учрашувлари ўтказадилар.

1961 йил спорт мусобақалари календарида иттифоқчи қардош республикалар билан спортнинг бир неча турлари бўйича ўртоқлик учрашувлари уюштириш ҳам кўзда тутилган. Мусобақаларни ҳозирги замон беш курашчиларимиз бошлаб берадилар. Бугун улар Озарбайжон, Белоруссия ва Қирғизистон командалари билан куч синашадилар. Сентябрь ойида спортнинг шу тури бўйича Ўрта Осиё ва Қозоғистон командалари ҳам Тошкентда учрашувлар ўтказадилар.

Ўзбекистон шахматчилари май ойида Озарбайжон терма командаси билан, боксчиларимиз эса Озарбайжон ва Белоруссия спортчилари билан мусобақалашадилар.

Спортнинг жуда кўп турлари бўйича Совет Иттифоқи биринчилиги учун Тошкентда ўтказиладиган зонал мусобақалар ҳам пойтахтимизнинг спорт ҳаётида катта воқеа бўлади. Май ойида баскетболчи ва волейболчи хотин-қизлар «Б» класси буйича СССР биринчилиги учун шу ерда куч синашадилар. «Таштекстильмаш» заводининг баскетболчи хотин-қизлар командаси Фарғона педагогика институти ҳамда Қозоғистон. Тожикистон. Арманистон ва Туркманистон республикалари мусобақаларида ғолиб чиққан физкультура коллективлари билан учрашади. Бу мусобақа 13-20 майда ўтади. 22 майдан эса пойтахтимиздаги электролампа заводининг волейболчи хотин-қизлар командаси Тожикистон, Туркманистон, Қирғизистон, Қозоғистон, Арманистон, Молдавия ва Литва ССР командалари билан спорт курашини бошлайди. Бу икки мусобақада 1-4 ўринларни олган командалар келгуси йилда «А» классида қатнашиш ҳуқуқига эга бўлади.

1—8 июль кунлари қўл коптоги бўйича СССР биринчилигининг зонал мусобақалари ўтади. Бунда спортчиларимизга Ўрта Осиё, Қозоғистон ва Украина республикалари командалари вакиллари билан куч синашишга тўғри келади. Сентябрнинг учинчи декадасида Тошкентда классик кураш бўйича Совет Иттифоқининг шахсий биринчилиги ўтказилади.

Юқорида айтилган спорт учрашувлари ўзбек физкультурачиларининг 1963 йилда ўтказиладиган СССР халқлари 3-спартакиадасига қандай тайёргарлик кўраётганликларига жиддий синов бўлади.

П. КОНОВАЛОВ,

Спорт жамиятлари ва ташкилотлари союзи республика Советининг спорт федерацияси бўлими бошлиғи.

Дилором Ашурова Тошкентдаги чет тиллар педагогика институти инглиз тили факультетининг 3-курсида ўқийди. У институтда моҳир теннисчи сифатида шуҳрат қозонган. 3-разрядли бу ғайратли спортчи шу кунларда олий ўқув юртлари аро пойтахтда ўтказиладиган мусобақага қизғин тайёргарлик кўрмоқда.

Сиз суратда кўриб турган бу икки азамат йигит Янгийўл районидаги «Коммунизм» колхозида яшашади. Биринчи суратдаги Тўлқин Асроров класик кураш бўйича биринчи разрядга эга. У шу территориядаги 1-мактабда физкультурадан дарс бериш билан бирга, колхоз спортчиларига ҳам раҳбарлик килади. Иккинчи суратдаги Ўсар Атакишиев тренер Асроров раҳбарлигида спорт билан мунтазам равишда шуғулланиб, штанга бўйича учинчи разряд нормасини бажарди. У ёзги мавсумда иккинчи разряд нормасини бажаришни ўз олдига мақсад қилиб қўйган.

В. Ткачев, Д. Шчедринский ва А. Абалян фотолари.

Завод спортчилари

Заводимиз физкультурачилари сони 600 дан ошади. Шундан 150 дан ортиқ ишчи разрядли спортчи ҳисобланади, 15 киши эса биринчи разрядлидир. Корхонада кейинги уч-тўрт йил ичида спорт ишлари, айниқса, жонланиб кетди. Фахрланишга арзигулик баскетбол, волейбол, стол тенниси, велосипедчилар, шахмат-шашка, футбол командалари туздик. Бунда тажрибали ишчи-тренерларимизнинг хизмати катта.

Хотин-қизлар баскетбол командамиз уч йилдан буён Ўзбекистоннинг энг биринчи коллективи бўлиб келмоқда. Яқинда у республика биринчилигида ғолиб чиқиб, «Б» классининг зонал мусобақасида қатнашиш ҳуқуқини олди. 1960 йилда баскетболчи хотин-қизларимиз Ростов-Дон шаҳрида ВЦСПС биринчилиги учун бўлган мусобақада Ўзбекистоннинг спорт шарафини оқладилар. Улар Иттифоқда 2-ўринни олиб, кумуш медаль билан тақдирландилар.

Стол тенниси командамиз ўтган йили шаҳар бўйича учинчи ўринни эгаллаган эди. Бу йил теннисчиларимиз финалда муваффақиятли қатнашмоқда. 1-разрядлик қурувчи-инженер Владислав Жигунов Тошкентнинг энг кучли теннисчиларидан ҳисобланади.

Яқинда биз шаҳардаги 160-мактабни оталикка олдик. Ишчи-тренерларимиз кўплаб ўқувчиларни спорт секцияси машғулотларига жалб қилиб, мактабда физкультура ҳаракатини яхши йўлга қўймоқдалар.

Ёзги спорт мавсумида оммавийлик ва юксак маҳорат учун кураш илгаригидек жанговар шиоримиз бўлади.

Л. ХАНИС,

«Таштекстильмаш» заводи физкультура советининг раиси.

Футболчилар майдонда

Чирчиқ шаҳридаги саноат корхоналарида футболни жуда севишади. Шунинг учун ҳам бу шаҳарда ҳаваскор футболчилар сони йилдан-йилга кўпаймоқда. Электр кимё комбинати командаси — «Химик» футболчиларининг шуҳрати республикамизга ёйилган.

Чирчиқлик спортчилар ёзги спорт мавсумини аллақачон бошлаб юбордилар. Шаҳарда спорт турлари бўйича хилма-хил мусобақалар ўтказилаётир. Футбол бўйича шаҳар биринчилиги учун бошланган таналаш ўйинлари, айниқса, қизиқарли бўлмоқда.

«Химик» ва «Торпедо» («Чирчиксельмаш» заводи) командаларининг биринчи учрашуви қизғин кураш билан ўтди. Бунда 2:1 ҳисоби билан кимёгарлар ғалаба қозондилар. Таналаш ўйинларида юқоридаги икки коллективдан ташқари «Ўзбекхиммаш», «Строитель» ва «Металлург» командалари ҳам қатнашаётирлар. Бунда 1-2-ўринларни эгаллаган командалар область биринчилиги мусобақасида қатнашиш ҳуқуқини олади.

Т. СИХАРУЛИДЗЕ.

Бугун пойтахтнинг спорт базаларида

«Пахтакор» стадионида — мавсум очилиши мукофотига бағишланган эстафета. Бунда корхона, муассаса ва олий ўқув юртлари физкультура коллективларининг енгил атлетикачилари қатнашади. «Спартак» стадионида эса мактаб ва махсус ўрта ўқув юртлари командалари учун эстафета ўтказилади. Эстафета эрталаб соат 10 да бошланади.

«Спартак» стадионида — оғир атлетика, эркин ва классик кураш, қиличбозлик мусобақалари, городки бўйича турнир. Соат 11 да бошланади.

«Динамо» стадионида—футбол, баскетбол бўйича турнирлар. Соат 10 дан бошланади.

Физкультура институти спорт залида разрядлик боксчилар, классик кураш бўйича полвонлар куч синашади. Соат 11 дан бошланади.

«Меҳнат» спорт базаси, **медицина институти** теннис кортларида шаҳардаги энг кучли теннисчиларнинг ўртоқлик учрашувлари бўлади.

☆ ☆ ☆

М. Горький номли, Тельман номли, Киров номли ва ОДО парклларида, «Пахтакор» клубида шахмат-шашка турнирлари, сеанслари уюштирилади. Бу мусобақалар кечқурун соат 7 да бошланади.

1963 йилда СССР халқларининг 3-Спартакиадаси бўлади. Бу Спартакиадада республикамиздан 1000 спортчи қатнашади. Катта мусобақага ҳозирдан пухта тайёргарлик кўрилмоқда. Шу муносабат билан Тошкентда олий спорт мактаби ташкил қилинди. «Пахтакор» стадионининг кенг ва ёруғ залида иш олиб бораётган бу мактабда спортчилар ўз маҳоратларини ошириш учун мунтазам равишда тренировка қилмоқдалар. Олий спорт мактабига тажрибали тренерлар жалб қилинган. Суратда: Ўзбекистон физкультура институтининг II-курс студенти Элвира Кострикина шу институтнинг старший ўқитувчиси ўртоқ А. Попова раҳбарлигида мастерлар программаси бўйича гимнастика машқларини такрорламоқда.

А. Абалян фотоси.

Факт ва рақамлар

◆ Шу кунларда областимизда 1 минг 33 та физкультура коллективи иш олиб бормоқда. Тошкент шаҳрида эса 428 та физкультура коллективи бор.

◆ Областда 104 мингдан ортиқ киши мунтазам равишда спорт билан шуғулланади. Тошкент спортчиларининг сони 126 минг кишини ташкил қилади.

◆ Область бўйича 1960 йилда 1952 жамоатчи инструктор, 1801 судья тайёрланди. Ўтган йили 9499 ўғил-қиз 1-даража ГТО ва 10 мингдан ортиқ ёшлар БГТО нормасини бажарди.

◆ Тошкент шаҳрида ҳозир 231 киши СССР спорт мастери деган шарафли номга эга. 1960 йилда пойтахтимизда 75 спорт мастери тайёрланди.

◆ 1960 йил Тошкентда ўтказилган мусобақалар ва ўртоқлик учрашувларида 279 минг 303 спортчи иштирок этди.

◆ Пойтахтимизда фикультурачилар спортнинг 32 тури билан шуғулланадилар.

АКА-УКА ШТАНГАЧИЛАР

332 килограмм. Қойил! Судьянинг тасдиқидан сўнг штанга ерга туширилди. Ҳеч ким бу қадар оғирликдаги штангани кўтармаган эди. Шундай қилиб, ўзбекистонлик спорт мастери Владимир Ли танлаб олиш мусобақасида биринчи ўринни олди. Энди у Иттифоқимизнинг энг кучли уч штангачиси билан куч синашиб кўриши керак эди. Республикамиз вакили ўтган йил Москвада бўлиб ўтган бу мусобақада юксак техника ва зўр кучини намойиш қилиб, 3-ўринни олишга муваффақ бўлди.

Владимир Ли тош кўтариш билан 1954 йилдан бери шуғулланади. Ўша вақтда у ўрта мактабда физкультурадан дарс берарди. Кейинчалик «Спартак» жамиятига аъзо бўлиб, штанга устидаги машғулотларни кучайтириб юборди. 1957 йили бу штангачининг ҳаётида унутилмас воқеа юз берди. Ўзбекистон терма командаси составида СССР биринчилиги мусобақасида қатнашган Владимир Ли 310 килограмм натижани қўлга киритди. Шахсий биринчиликда 6-ўринни олиб, мастер нормасини бажарди. Спорт мастери Владимир Ли СССР халқлари 2-спартакиадасида янада катта муваффақиятга эришди. Бунда у Иттифоқнинг энг кучли тўртта штангачиларидан бири бўлиб қолди. Бу маҳоратли спортчи 1958 йил Хитойда ҳам бўлган. Владимир Ли у ерда жаҳоннинг энг кучли штангачиларидан ҳисобланган, Хитой чемпиони Чин Зин Хаэдан 2,5 килограммгина орқада қолди, холос.

Республика «Спартак» жамиятининг бош тренери Владимир Ли 1956 йилдан буён мунтазам равишда Ўзбекистон чемпиони ва рекордчиси бўлиб келмоқда.

У укаси Василий Лига ҳам ўз маҳоратини ўргатмоқда. Василий 1960 йил Ўзбекистон биринчилиги учун бўлган мусобақада қатнашиб, уч кўтаришда ҳаммаси бўлиб 300 килограмм натижа кўрсатди ва ўз вазнида республиканинг янги рекордини қўйди. Яқиндагина бўлган пойтахт чемпионатида бир зарб билан 87,5 килограмм ва силтаб 112,5 килограммлик штангани кўтариб, Ўзбекистоннинг 2 та рекордини қўйди.

Ака-ука рекордчилар шу йил кузда Тошкентда ўтказиладиган 30 мамлакат штангачилари турнирига ҳозир пухта тайёрлик кўрмоқдалар.

Б. ПУЛАТОВ.

Суратда: (чапдан) ака-ука штангачи Владимир Ли ва Василий Ли.

А. Абалян фотоси.

Ўзбекистон ССР Қишлоқ хўжалиги фанлари академиясининг пахта уруғчилиги ва селекцияси илмий-текшириш институтида хитойлик агроном Чен Ко-да илмий тажриба ўтказмоқда. У пахтанинг тезпишар ва юқори ҳосилли сортини етиштириш юзасидан илмий иш олиб бораётир. Суратда: агроном Чен Ко институт илмий ходимлари А. Бредихана ва С. Алихўжаева ўртоқлар билан пахтанинг янги навини кўздан кечирмоқда.

В. Сироткин И. Глауберзон фотолари.

„ШТУР АНГУР"НИНГ АВЛОДЛАРИ

«Штур ангур» («туя узуми») — халқ селекцияси етиштирган ва Денов районидаги Сена қишлоғида топилган узум нави ана шундай деб аталади. Бу ерда ажойиб мева берадиган туплардан ҳар йили юқори ҳосил олинмоқда. Лекин бу туплар жуда ҳам оз — бир нечагина эди.

Олимлар бу тупларни академик Р. Р. Шредер номидаги боғдорчилик, узумчилик ва виночилик институтининг Самарқанд филиалидаги махсус участкага эҳтиётлик билан кўчириб, пухта ўргандилар. Эндиликда «Штур ангур»нинг авлодлари пайдо бўлди. Бу ток қаламчалари ҳозир республика колхоз ва совхозларига жўнатилмоқда.

«Штур ангур» турли ажойиб хоссаларга эга. Унинг мевалари катта ва ширин бўлиб, тупроқ ва сувга камсуқумдир. Қишлоқда маълум бўлган барча узум навлари ўзининг ширинлиги жиҳатдан унга етмайди.

Филиал ходимлари кенг кўламда кўпайтириш учун халқ селекцияси узумининг ўн иккита энг яхши навларини топширмоқдалар. Бу навлар Ўзбекистон ва Тожикистоннинг турли районларида топилган. Шуниси қизиқки, ота-боболаримиз ғоят хилма-хил рангдаги узум навларини етиштира олганлар. Бу узумларнинг ширинлиги ҳам ғоят хилма-хилдир. (ЎзТАГ).

ХУШ ХАБАРЛАР

КАРЬЕРДА ВАХТАНИ АВТОМАТ ҚАБУЛ ҚИЛИБ ОЛДИ

ОЛМАЛИҚ. (ЎзТАГ). Бутуниттифоқ пармалаш техникаси илмий тадқиқот институти яратган пармалайдиган «П-26» маркали станок-автомат зарб билан ишлайдиган ўн иккита пармалаш станогининг ўрнини боса олади. Ана шу автоматнинг ягона нусхаси В. И. Ленин номидаги Олтинтопган қўрғошин-руҳ комбинатига келтирилди.

Кнопкали клавиатура ёрдамида кабинада ўтирган бир киши томонидан бошқарилиадиган автоматик станок бир сменада 60 метр қудуқ тайёрлашга мўлжалланган. Автомат ишлаётганда пармада босим қирқ тоннага етади, бу эса эски конструкцияли станоклардагига нисбатан ўн беш — йигирма баравар кўпроқдир.

«П-26» маркали автоматик пармалаш станокларидан кенг фойдаланиш руда қазувчи экскаваторлардан кенг кўламда фойдаланиш имконини беради.

РАЦИОНАЛИЗАТОРЛАР ЭСТАФЕТАСИ ДАФТАРИ

ОҲАНГАРОН. (ЎзТАГ). «Ўзбекуголь» комбинатининг новаторлари КПСС XXII съезди шарафига рационализаторлик эстафетасини қизғин қўллаб-қувватладилар. Кўмир разрезининг кончилари «Эстафета дафтари»га дастлабки таклифни ёздилар. Сўнгра дафтар корхоналар бўйлаб саёҳат қила бошлади. У 9-шахтада, очиқ усулда кўмир қазиб олинадиган разрезда, марказий ремонт заводида, юк ортиш-транспорт ва қурилиш бошқармаларида бўлди.

Натижада унга ҳозиргача 80 дан кўпроқ янгилик ёзилди. Янгиликларнинг 60 га яқини ҳозирдаёқ ишлаб чиқаришга жорий қилинди. Эстафетани кончилардан ГРЭС қурувчилари, цемент заводининг ишчилари, Оҳангарон автомобилчилари қабул қилиб олмоқдалар.

САККИЗИНЧИ ЎЙИНДА ТАЛЬ ЮТДИ

МОСКВА, 31 март. (ТАСС). Михаил Таль Москвадаги эстрада театрида бўлиб ўтган реванш матчининг саккизинчи ўйинини бугун 29-юришда утди.

Матч ҳисоби Михаил Ботвинник фойдасига 4,5:3,5 бўлди. Тўққизинчи ўйин 3 апрелда бўлади. Оқ доналар билан Ботвинник ўйнайди.

Халқаро аҳвол

А. А. Громико Нью-Йоркдан жўнаб кетди

НЬЮ-ЙОРК, 1 апрель. (ТАСС). Бош Ассамблея XV сессиясининг иккинчи қисмидаги Совет Иттифоқи делегациясининг бошлиғи СССР ташқи ишлар министри А. А. Громико 31 март кечқурун Нью-Йоркдан Москвага учиб кетди. А. А. Громико АҚШдан учиб кетиши олдидан матбуот вакилларига қуйидаги баёнотни берди:

Нью-Йоркдан жўнаб кетаётганимда, биринчи қисмида бир қанча давлатлар ҳукуматларининг бошлиқлари қатнашган XV сессия халқаро кескинликни юмшатиш ҳамда халқларнинг тинчликка ва мустақил миллат бўлиб яшашга бўлган ҳуқуқларини қарор топтириш ишига ўзининг ижобий ҳиссасини қўшади, деб умид билдирмоқчиман.

Совет ҳукумати шундай фикрдадирки, Бирлашган Миллатлар Ташкилоти сиртдангина халқаро ташкилот бўлиб кўринриб қолмасдан, шу билан бирга, амалда ҳам халқаро ҳамкорлик ва ялпи тинчликни мустаҳкамлаш ишига хизмат қилувчи ташкилот бўлиши лозим. Шу сабабли, мен, аввало, шуни уқтириб ўтмоқчиманки, Бирлашган Миллатлар Ташкилотининг структурасини жаҳонда рўй берган ўзгаришларга мувофиқлаштириш зарурлиги тўғрисида Совет ҳукуматининг позицияси ўзининг кучини тўла равишда сақлаб қолади. Совет ҳукуматининг бошлиғи Н. С. Хрушчев ўтган йил сентябрь ойида Бош Ассамблея мажлисида сўзлаган нутқида Бирлашган Миллатлар Ташкилотининг структурасини одилона негизда ўзгартириштни таклиф қилганидан бери ўтган ҳар бир ой бу вазифа тобора ўткир тус олаётганлигини ва бу вазифани ҳал қилишни орқага суриш Бирлашган Миллатлар Ташкилотини заифлантириб, унинг обрўсига путур етказишини кўрсатувчи янги далиллар намоён қилмоқда.

Бирлашган Миллатлар Ташкилотининг бош секретарига ва бу мансабни эгаллаб турган Хаммаршельдга келганда, сира тоқат қилиб бўлмайдиган ҳолат вужудга келди, шунинг учун ҳам Совет ҳукумати, илгари ҳам айтиб ўтганидек, бундай ҳолатга тоқат қилолмайди ва тоқат қилмоқчи эмас. Биз ишонамизки, якка бир шахс эгаллаб турган бош секретарлик мансабини ҳозир жаҳонда мавжуд бўлган мамлакатларнинг уч асосий группасидан бўлган вакилларни ўз ичига олувчи коллектив орган билан алмаштириш тўғрисида Совет ҳукумати киритган таклиф ўзига йўл топиб олади, адолат устун бўлиб чиқади ва ҳозирги кунда бизнинг таклифимизга ҳали тўла равишда қўшилмаётган ёки бу таклифга нисбатан ўз муносабатларини ўйлаб турган давлатлар бу таклифни тезроқ амалга ошириш зарурлигини тушуниб қоладилар.

Бош Ассамблея XV сессиясининг иккинчи қисмида СССР делегацияси билан АҚШ делегацияси ўртасида қуролсизланишга таалуқли масалалар устида муайян фикр олишувлар бўлди. Бу хусусда СССР делегациясининг бошлиғи сифатида мен ва АҚШ делегациясининг бошлиғи сифатида жаноб Стивенсон кеча Биринчи комитетда тегишли баёнотлар бердик. Ҳозирги пайтда бу темани яна тилга олиш ортиқча бўлур эди. Шу нарсани яна бир марта уқтириб ўтмоқчиманки, бутун совет халқи сингари Совет ҳукумати ҳам зўр бериб қуролланишга бутун дунё халқларининг манфаатларини кўзлаб, цивилизация манфаатларини кўзлаб хотима бериш зарур, деб ҳисоблайди, чунки зўр бериб қуролланиш натижасида тўпланиб қўйилган ва вайрон қилиш кучи ниҳоят даражада катта бўлган қурол турлари запасларига ҳар кун ракеталар ва ядро бомбаларининг янгидан-янги уюмлари қўшилмоқда. Совет Иттифоқи ҳозирги вақтда тўхтовсиз ишлаб турган ҳарбий машина бузиб ташланиши керак, деб талаб қилмоқда. Инсониятни ядро уруши хавфидан ва қурол-яроғлар юкидан халос қилиш пайти келганлигига кўп вақт бўлди. Бу иш қанчалик тез қилинса, ёппасига ва батамом қуролсизланиш тўғрисидаги битим қанчалик тез ишлаб чиқилса, ҳамма давлатлар учун, жаҳоннинг ҳамма халқлари учун шунчалик яхши бўлади. Совет ҳукумати замонамиз масалаларининг масаласи бўлган қуролсизланиш проблемасининг ҳал қилинишига бундан буён ҳам ҳар томонлама кўмаклашмоқ учун ўзининг куч ва ғайратини аямайди.

Бирлашган Миллатлар Ташкилоти Бош Ассамблеяси XV сессиясининг иккинчи қисми тўғрисида гапирилганида, Конго Республикасидаги аҳвол масаласига ҳам тўхталиб ўтиш керак, албатта. Бу масала моҳияти эътибори билан Бош Ассамблеяда муҳокама қилинаётганлигини ёқтирмаётган кишилар бор бўлса ҳам, лекин масаланинг бундай муҳокама қилинаётганлигидан совет делегацияси ўзининг мамнун эканлигини билдиради. Совет Иттифоқининг истаги фақат битта, у ҳам бўлса, шуки, Конго Республикасининг сиёсий мустақиллиги ва территориал бутунлиги Бирлашган Миллатлар Ташкилотининг маълум қарорларида кўрсатиб ўтилганидек муҳофаза қилиниши лозим. Бунинг учун, биринчи навбатда, Конго Республикасига қарши қилинаётган агрессиянинг пайини қирқиш керак ҳамда Бельгия қўшинларининг ҳаммасини ва барча бельгиялик ходимларни Конгодан дархол чиқартириб юбориш керак. Бош Ассамблеянинг ялпи мажлисида берган баёнотимизда Конгодаги аҳволни нормаллаштирмоқ учун кўрилиши зарур деб Совет ҳукумати ҳисоблаётган бошқа қоралар ҳам айтиб ўтилди. Жумладан, Конго Республикасининг парламенти дарҳол ишга тушуви учун шароит вужудга келтирилиши ва Антуан Гизенга бошчилигидаги қонуний ҳукуматнинг ўз вазифаларини бажаришига тўсқинлик қилинмаслиги лозим.

Конгони парчалаб юбориш планларининг амалга оширилишига йўл қўймаслик ҳозир айниқса муҳим вазифадир, чунки бу планлар Конгода мустамлакачилар ҳукмронлигини тикламоқчи бўлган шахслар томонидан ишлаб чиқилган планлардир. Конгодаги аҳвол масаласи тўғрисидаги совет таклифларида Совет Иттифоқининг принципиал йўли ифодалаб берилди. Бу принципиал йўл шундан иборатки, Совет Иттифоқи ўз озодлигини ва миллий мустақиллигини қаттиқ туриб ҳимоя қилаётган халқларни ва давлатларни қувватлай беради ва биз бу йўлни ҳозир ҳам қатъият ва изчиллик билан ҳимоя қила берамиз.

Мустамлака мамлакатларга ва халқларга мустақиллик беришга таллуқли масалаларни муҳокама қилишда Бош Ассамблеянинг XV сессияси бизнинг фикримизча, яхши иш қилди. Бош Ассамблея, шу жумладан унинг комитетлари ўтказаётган иш шармандали мустамлакачилик системасини батамом ва узилкесил тугатиш тўғрисида Совет ҳукуматининг бошлиғи Н. С. Хрушчевнинг Совет ҳукумати номидан қўйган масаласи турмушнинг ўзи қўйган талаб эканлигини кўрсатиб турибди. Шунинг учун ҳам бу талаб ўз озодлиги учун курашаётган халқларни ҳаракатга келтирди ва уларнинг ғайратини жуда кўпайтириб юборди. Шу билан бирга, биз ўзимизнинг бир нарсадан хавотир бўлаётганлигимизни ҳам айтмаслигимиз мумкин эмас, чунки мустамлакачи давлатлар Бирлашган Миллатлар Ташкилотининг ҳоҳишига мувофиқ ҳаракат қилиш ниятидан узоқ эканликларини тажриба кўрсатиб турибди, буни, масалан, ўша Конгодаги, Анголадаги, Ғарби-Жанубий Африкадаги аҳвол бизга эслатмоқда. Ҳозир вазифа шуки, мустамлака мамлакатларга ва халқларга мустақиллик бериш тўғрисида Бирлашган Миллатлар Ташкилоти Бош Ассамблеясининг XV сессияси қабул қилган декларациядаги улуғ принциплар ва қоидалар охирига етказилиши, жуда қисқа муддат ичида амалга оширилиши лозим.

Пировардида, шуни айтмоқчиманки, яна бazи муҳим масалаларни кўриб чиқиши керак бўлган Бош Ассамблеянинг XV сессияси ўз ишини тамомлаганидан кейин: ҳа, бу сессия давлатлар ўртасидаги муносабатларни ва ҳамжиҳатликни яхшилаш йўлида, халқаро ҳамкорликни ривожлантириш ва тинчликни мустаҳкамлаш йўлида зўр иш қилди, деб айтиш мумкин бўлганида эди, яхши бўлур эди, жуда яхши бўлур эди.

Бош Ассамблеянинг Сиёсий комитетида

НЬЮ-ЙОРК, 31 март. (ТАСС). Кеча Бирлашган Миллатлар Ташкилоти Бош Ассамблеяси Сиёсий комитетининг мажлиси бўлди. Кун тартибида қуролсизланиш масалалари турибди. Совет делегациясининг бошлиғи СССР Ташқи ишлар министри А. А. Громико мажлисда қуйидаги баёнотни ўқиб эшиттирди:

Совет Иттифоқи ёппасига ва батамом қуролсизланиш проблемасининг ҳал қилинишини кечиктириш мумкин эмаслигини ҳисобга олиб, қуролсизланиш юзасидан олиб бориладиган бундан кейинги музокаралар учун директивалар тўғрисида ва иш органининг состави ҳақида Бош Ассамблеянинг ана шу XV сессиясидаёқ келишиш зарур деган фикрга асосланган эди. Бу музокаралар ана шу органда ўтказилиши лозим эди.

Бироқ, АҚШ ҳукуматининг ҳозирги вақтда музокараларни олиб бориш учун тайёр эмаслиги ва музокараларга кейинроқ киришиш ниятида бўлгани сабабли АҚШ ҳукуматининг қуролсизланиш тўғрисидаги масалани аслида қараб чиқишни вақтинча кечиктириш истагини ҳисобга олиб Совет ҳукумати қуролсизланиш тўғрисидаги масалани Ассамблеянинг ана шу сессиясида қараб чиқишни қатъий талаб қилмасликни мумкин деб топди.

Шу муносабат билан қуролсизланишга ва музокараларни яна бошлаб юборишга таллуқли масалалар юзасидан фикр олишишни июнь ва июль ойларида тегишли органда давом эттириш юзасидан Совет Иттифоқи билан АҚШ ҳукумати ўртасида битимга келинган эди. Бу органнинг состави келишиб олиниши лозим. Бош Ассамблеянинг 16-сессиясини эришилган прогресс тўғрисида хабардор қилиш юзасидан ҳам келишиб олинди.

Биз, СССР ва АҚШ делегациялари бирграликда тақдим этаётган резолюция лойиҳаси Бош Ассамблея томонидан яқдиллик билан маъқулланади, деб ишонч билдирамиз.

Сўнгра сўзга чиққан АҚШ вакили Э. Стивенсон Қўшма Штатлар инсониятга хавф туғдираётган зўр бериб қуролланишни тез ва узилкесил тўхтатиш мақсадида мумкин бўлган барча чораларни кўришни истайди, деди.

Биз, деди у, музокараларни яқин вақт ичида ва янада умид узишга эмас, балки натижаларга олиб келадиган шароитда бошлаб юборишга ҳаракат қиламиз. Сўнгра Стивенсон Америка ҳукумати қуролсизланиш соҳасида ўз сиёсатини пухта ўрганиб чиқмоқда, деди. У, ишонтириб айтдики, унинг ҳукумати бу масала юзасидан музокаралар олиб боришга киришиш учун июль ойининг охирида тайёр бўлади. Унинг фикрича, бу музокаралар самарали бўлиши керак.

Пировардида у Совет Иттифоқи ва АҚШ делегациялари биргаликда киритаётган резолюция лойиҳасини комитетнинг ҳамма аъзолари маъқуллайдилар, деб ишонч билдирди. Бу резолюция лойиҳасида қуролсизланиш проблемаларини ва бу масала юзасидан барча таклифларни муҳокама қилишни Бош Ассамблеянинг XVI сессиясига қўчириш кўзда тутилади.

Сиёсий комитет таклиф этилган резолюция лойиҳасини бир оғиздан маъқуллади.

Шундан кейин сўзга чиққан Франция вакили Берар қуролсизланиш юзасидан бўлажак музокаралар ижобий натижалар келтиради, деб умид билдирди.

Шу билан Сиёсий комитет ўз ишини тугатди.

ҒУЛОМ БОЙВАЧЧА

ФЕЛЬЕТОН

□ □ □

Ленин номли колхоз омборчиси Ғулом Ашраповни ҳамма бойвачча деб атайди. Айтганларича бор: қачон қараманг, чўнтагида даста-даста пул, ўзи эса маст-аласт, ғоҳ ошхонада, ғоҳ ўз меҳмонхонасида зиёфат берганн берган.

Бойваччанинг оиласида 7 жон бор. Ҳаммаси ҳам еярман-ичярмандар. Бирортаси ҳам колхозда ишламайди. Лекин ҳеч бирининг ейиш-ичишдан камчилиги йўқ.

Хуллас, Ашраповнинг бойваччалигига ҳамма тан берган эди-ю, лекин ҳисобсиз пулларни қаердан олаётганлигига ҳайрон бўлиб юрган эди. Яқинда Ғулом бойваччанинг ўзи кайф билан ҳамма сири-асрорини ошкор қилиб қўйди.

— Оғайнилар, мен мастман, — деди у ўзи ташкил қилган зиёфатларнинг бирида чайқалиб.

— Йўқ, сиз ҳушёрсиз, — дейишди ҳамтовоқлари.

— Бўлмаган гап. Кайфим борлигини сезиб турибман. Мен... мен сиз улфатларимнинг маишати деб анчамунча ишлар ҳам қилиб қўйганман.

— Қани, эшитайликчи? — дейишди ҳамтовоқлар қизиқиб. — Эҳтимол ёрдам берармиз.

— Мен сизларни деб, ҳўш... раймаг орқали 141-номерли фактура билан келтирилган 15 кубометр тахтани эслай оласизларми?

— Йўқ, эсимизда йўқ, — дейишди ҳавтовоқлар.

— Тўғри, уни сизлар эслай олмайсизлар. Чунки ҳеч кимга кўрсатмаёқ сув қилиб қўяқолган эдим. 189-фактура билан келтирилган 13,5 кубометр ёғочничи?

— Кўрганимиз йўқ.

— Бўлмаган гап. Мен уни сизларга кўрсатганман. Кўрсатганимдан кейин пуллаганман... 10 тонна цемент билан 115 килограмм алифничи?

— Йўқ. Уларни биз ҳеч кўрганмасмиз, — елкаларини қисиб дейишди улфатлар.

— Ана, холос. — Ашрапов бир чайқалиб қўйди, — зиёфат берганимда учини сал чиқариб қўйган эдим, шекилли. Ё кўрқаяпсизларми? Қўрқмай қўяқолинглар! Мен... мен бор эканман, қўрқманглар. Есак ўзимизнинг колхозникини ебмиз-да, бегонаники эмас-ку!

Ашраповнинг қулфи-дили очилиб кетди. Хасратлашгуси келиб қолган эканми ёки бошқа бирон сабабданми, қарқалай у тинмасдан сўзлар, чайқалар эди.

4 минг килограмм уруғлик картошкани Чирчиқ шаҳрида яширинчасига пуллаб юборганини паст овоз билан сўзлагач, қаддини ростлаб, яна юз грамм отди-да, колхознинг 8 минг 200 килограмм шолисидан 4 минг килограмм гуруч тушди деб, гуручнинг қолган қисмини осонгина «тинчитиб» юборганини айтиб, мақтана бошлади. Бу ҳам озлик қилганидек, Ғулом бойвачча колхознинг «32-78» номерли машинасида оқлатиш учун олиб борган 2,5 тонна шолисини паққос еб юборган эди.

— Навбат келганда тўлдириб ичиш зарур, оғайнилар! Қўрқоқлик қилиб юрганимда, юраверардим. Мен оғайнилар, ишнинг кўзини биламан. Қалбаки йўл билан бўлса ҳам, ҳарқалай, ҳужжатларимни тўғрилаб бораман. Қани, қадаҳлар тўлдирилсин!

Ашрапов сўзлашдан тўхтаб, яна ичди. Катта муштини столнинг устига қўйиб:

— Ҳа, ҳужжатини тўғрилаб қўйганман, — деб қўйди.

Кейин яна гапга тушиб кетди. Энди у бошини столнинг устига қўйиб олиб сўзларди...

2,5 тонна шолини эсон-омон сув қилиб олгач, маззаҳўрак бўлиб қолган бойвачча билакни шимариб ишга киришди. У яна 2,5 тонна шолини 622 путевой лист орқали «02—26» номерли машинада оқлатгани олиб борди. Шолидан 1800 килограмм гуруч ҳам олинди. Лекин Ғулом бойвачча йўлда 1560 килограмм шолидан 900 килограмм гуруч олинди деб ҳужжатни қалбаки йўл билан ўзгартириб қўйди.

— Мана шуларнинг ҳаммасини сизлар учун қилдим, оғайнилар. Лекин бир гап бўлгудек бўлса, ишонманки, сизлар ҳам қараб турмайсизлар. Ғуломбой ана ундай эди, деб юборсанглар вассалом. Қани, мана шу қадаҳни дўстлигимиз учун кўтарайлик. — Шундай деб Ашрапов бошини кўтарган эди, қараса, атрофида ҳеч ким йўқ. Улфатлар аллақачон жўфтакни ростлаб қолишибди.

— Юлғич, — деб гижинди бойвачча, — юлғичлар...

Бу гапни у ўзи ҳақида айтдими, ёки бошқа биров ҳақида айтдими — маълум эмас. Фақат шуниси аниқки, Ашрапов колхознинг собиқ бош бухгалтери Т. Ёдгоровнинг паноҳида эл омборини ҳар хил йўллар билан талаб, ҳаммаёқни қалбаки ҳужжатга тўлдириб юборди. Шу кеча-кундузда «аканг бойвачча» деб керилиб юрибди. Ишонамизки, унинг керилиши узоққа бормайди.

Х. ХУДОЙБЕРГАНОВ.

Бўстонлиқ райони.

Телевизор □ экранида

2 АПРЕЛДА

12.00 «Физкультура билан шуғулланинг».

12.25. «Боганч» — венгер киноповести.

13.45. Инглиз тилидан ўзбек тилида 17-дарс.

14.15. «Совет музика маданияти» циклидан «Сергей Лемешев» деган киноочерк.

18.30 «Тунги эртак» — болалар учун фильм.

18.45. Сўнгги ахборот.

19.05. «У ким бўлиб етишади?» — ота-оналар учун кинофильм.

19.25. Ўзбек қуйларидан концерт.

20.05. Чет эл кинохроникаси ва «Мистер икс» фильм-опереттаси.

21.50. «Има Сумак қўшиқлари».

3 АПРЕЛДА

19.00. Опа-ука «Алёнушка билан Иванушка» — болалар учун мультипликацион фильм.

19.15. Ёшлар учун рус тилида «Баҳор модалари» деган эшиттириш.

19.45. «Гердайган ўрдак» — ўзбек тилида киноочерк.

19.55. Сўнгги ахборот.

20.15. «Азия и Африка сегодня» журналининг обзори.

20.30. Совет Армияси жангчилари учун эшиттириш. «Жангчилар погоналарини олдилар» — телевизион очерк.

20.50. Жонажон Ватан бўйлаб. «Украина».

21.50. Бадиий ҳаваскорлар концерти.

ТОШКЕНТНИНГ тамоша заларида

ТЕАТР

НАВОИЙ НОМЛИ ТЕАТРДА — 2/IV да эрталаб **Севилья сартароши**, кечқурун **Шаҳризода, Штраусиана, Болеро.**

ҲАМЗА НОМЛИ ТЕАТРДА — 2/IV да **Ганг дарёсининг қизи**, 4/IV да **Имон.**

МУҚИМИЙ НОМЛИ ТЕАТРДА — 2/IV да **Олтин қидирувчилар**, 3/IV да **Катта концерт.**

ТОШКЕНТ ДАВЛАТ ЦИРКИДА — **Арслонлар аттракциони.** Арслонларни ўргатувчи — **Владимир Борисов.** Янги программада тамошалар Жаҳон экс-чемпиони. СССРда хизмат кўрсатган спорт мастери **Григорий Новак** гастролининг давоми. Бугун уч марта тамоша кўрсатилади: кундуз соат 12, 3 ва кеч 7 яримда.

КИНО

Кўр ўғли — «ВАТАН» (кундуз соат 3-15 минут ва кеч 8 да).

Осмонга қараган дераза — «ВАТАН» «КОМСОМОЛ 30 ЙИЛЛИГИ», «ЎЗБЕКИСТОН» (кундуз ва кечқурун).

Кўр музикачи — «МИР», «СПУТНИК» (кундуз ва кечқурун), НАВОИЙ номли (кундуз соат 3-20 ва кеч 6-50 минутда).

Тонгда сакраш — НАВОИЙ номли. (кундуз ва кечқурун).

Тўғондаги ҳодиса — «ИСКРА» (кундуз ва кечқурун).

Учар кема — «СПУТНИК» (эрталаб соат 10, кундуз 12 ва кеч 6 да).

Кинофильмлар прокати Ўзбекистон конторасиси КИНОТЕАТРЛАР ЭКРАНИГА

Роман ва Франческа

НОМЛИ ЯНГИ КИНОПОВЕСТЬ ЧИҚАРАДИ.

Сценарий автори — **А. Ильченко.**

Постановкачи режиссёр — **Владимир Денисенко.**

Оператор — **Ф. Семянников.**

РОЛЛАРДА:

П. Морозенко, Л. Гурченко, А. Скибенко, М. Заднепровский, С. Карамаш, С. Петров, Н. Рушковский, Л. Олевский, Т. Бестаева, А. Смирнов, П. Весклярoв, Н. Журавлев, Оля Машеклар қатнашади. Фильмни А. П. Довженко номли киностудия ишлаган.

Газета ва журналларга

1961 ЙИЛНИНГ ИККИНЧИ ЯРМИ УЧУН

обуна қабул қилинади

ВА МУДДАТИ ТУГАЕТГАН ОБУНА ДАВОМ ЭТТИРИЛАДИ.

Обуна «Союзпечать» шаҳар бўлимида, почтамтда, алоқа бўлимларида, шунингдек завод, фабрика, муассаса ва ўқув юртларидаги жамоатчи вакиллар томонидан қабул қилинади.

Газета ва журналларга ўз вақтида обуна бўлишни унутманг!

Бирлашган нашриёт.

«ТАШТЕКСТИЛЬШВЕЙОБУВЬТОРГ»НИНГ

Олой бозоридаги

54- МАГАЗИНИДА

1 майгача

баҳор-ёз мавсумига боп

шойи газламалар сотиш виставкаси

ўтказилади.

Жарариқ кўчаси, Чаманзор проезд, 1-тупик, 3-уйда турувчи **Комил Худойберганов**нинг шу уйда турувчи Ҳикоят Яҳёева (Худойберганова)дан ажралиш ҳақидаги иши Тошкент шаҳар, Октябрь район, 6-участка халқ судида кўрилади.

Хизматчи кўчаси, 72-а уйда турувчи **Иосиф Рахминович Сачаковнинг** Бешёғоч кўчаси 31-уйда турувчи Эся Романовна Сачаковадан ажралиш ҳақидаги иши Тошкент шаҳар, Октябрь район халқ судида кўрилади.

„ТОШКЕНТ ҲАҚИҚАТИ"

4-БЕТ, 2 АПРЕЛЬ, 1961 ЙИЛ.

Редактор З. И. ЕСЕНБОЕВ.

«ТОШКЕНТ ҲАҚИҚАТИ» («Ташкентская правда») — орган Ташкентского обкома и горкома Коммунистической партии Узбекистана, областного и городского Советов депутатов трудящихся.

Редакциямизнинг АДРЕСИ:

Тошкент, «Правда Востока» кўчаси, 26. РЕДАКЦИЯ БЎЛИМ ЛАРИНИНГ ТЕЛЕФОНЛАРИ: Коммутатор — 26334 ва 33262 орқали Партия турмуши бўлими — 140, Пропаганда бўлими — 136. Совет қурилиши бўлими — 136. Адабиёт ва санъат бўлими — 29040, 135. Қишлоқ хўжалик бўлими — 29040, 135. Саноат ва транспорт бўлими, Маданият бўлими — 34048, 132. Секретариат 34808, 115. Маҳаллий ахборот бўлими — 29040, 50. Хатлар бўлими — 34048, 156. Эълонлар бўлими — 28142.

Р 03666. «Қизил Ўзбекистон», «Правда Востока» ва «Ўзбекистони сурх» бирлашган нашриётининг босмахонаси. Нашр. В. 1566.